Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 102 (20. 669) • 1990 йил 4 май, жума • Баҳоси 3 тийин.

Буюк Ғалабанинг 45 йиллиги олдидан

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг Фармони

КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА НАФАҚА МИҚДОРИНИ КЎПАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Кўп болали оилаларнинг моддий аҳволини, ёш авлоднинг ўсиш шароитларини яхшилаш муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳисобга олиниб, Ўзбекистон ССРда кўп болали оналарга ҳар ойда тўланадиган нафақа миқдори 1990 йил 1 июлдан бошлаб икки баравар кўпайтирилсин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Суратда: учрашув пайти.

А. ГОРОКРИК олган сурат (ЎзТАГ).

ҲОЗИР ҲАМ САФИМИЗДА

Совет халқи ота ва боболаримиз, акаларимиз ва опаларимизнинг мисли кўрилмаган мардлик байрами — Ғалаба кунини кутиб олишга тайёрланмоқда. Республикамизда фронт ва фронт ортининг кўпгина қаҳрамонлари истиқомат қилишади.

3 май куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида уруш ва меҳнат ветеранлари билан учрашув бўлди.

Учрашувда Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов нутқ сўзлади.

У соч-соқоллари қордек оппоқ кишиларни ўтган Биринчи Май билан, Улуғ Ватан урушида қозонилган ғалабанинг яқинлашиб келаётган 45 йиллиги билан самимий табриклади.

Миллион-миллион ватанпарварларнинг ғалабага қўшган ҳиссаси салмоқли. Ўз куч-ғайратларини бирлаштирган совет кишилари ёвуз душманга қаршилик кўрсата олдилар. Ветеранлар ҳозир ҳам сафимизда. Улар қайта қуришда, ёшларни байналмилалчилик ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашда фаол қатнашмоқдалар. Ватанимиз мамлакатимизни ҳимоя қилишга, унинг қудратини мустаҳкамлашга шахсан ҳисса қўшган кишиларни эслайди ва қадрлайди.

Мамлакатимиз ҳозир мураккаб даврни бошидан кечирмоқда. Партия бошлаб берган инқилобий ўзгартишлар омманинг ижодий фаоллигини ривожлантириш учун кенг имкониятлар очмоқда.

Жумҳуриятимизда қишлоқ аҳлини ер билан таъминлаш, якка тартибда уй-жой қурилишини ривожлантириш, ижтимоий ва бошқа масалаларни ҳал этиш юзасидан катта тадбирлар амалга оширилди. Бироқ ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда ҳали анчагина муаммолар сақланиб қолмоқда. Минглаб ёшлар, айниқса, аҳоли зич яшайдиган районларда ўзлари учун қизиқарли иш билан таъминланмаганлар.

Бундай оғир вазиятда мавжуд қийинчиликлардан фойдаланиб қолишга, адоват келтириб чиқаришга, турли миллат вакиллари ўртасида нифоқ уруғини сочишга уринаётган одамлар пайдо бўлмоқда. Учрашувда ҳозир миллатлараро муносабатлар муаммоларини фаолроқ ҳал этиш, мамлакатимиз халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш, ҳар қандай ақидапарастларга муносиб зарба бериш зарурлиги таъкидланди. Мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун умумий куч-ғайрат, барча соғлом кучларни жипслаштириш зарур. Бунда ветеранлар кўп ишларни қилишлари мумкин. Улар ўзларининг аниқ партиявий позицияларини, ҳаётий тажрибаларини ёш авлодга ўргатишлари керак.

Ўзбекистон ССР ҳокимият органлари, дейилди учрашувда, миллатидан қатъи назар, республика меҳнаткашлари турмушини яхшилаш учун бундан кейин ҳам қўлларидан келган барча ишларни қиладилар. Уруш ва меҳнат ветеранлари алоҳида эътибор ва ҳурмат билан қуршаб олинади. Партия органлари, ҳукумат улар билан, барча меҳнаткашлар билан Ўзбекистонни ривожлантиришнинг энг муҳим масалалари юзасидан маслаҳатлашиб иш юритади.

Учрашувда Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округининг қўмондони генерал-полковник И. В. Фуженко, уруш ва меҳнат ветеранлари Ўзбекистон жумҳурият кенгашининг раиси Р. Ғ. Ғуломов сўзга чиқдилар.

Ўзбекистоннинг турли вилоятларидан сўзга чиққан ветеранлар ўз шаънларига айтилган самимий сўзлар учун қизғин миннатдорчилик билдиришди. Улар ҳар доим партия билан бўлишга, қайта қуриш иши учун кучларини аямасликка ваъда бердилар.

Учрашувда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари А. С. Ефимов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ж. Ҳ. Ҳамидов, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

ИҚТИСОДИЁТНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон ССРнинг 1990 йил биринчи кварталида ижтимоий-иқтисодий ривожланиши

1990 йилнинг биринчи кварталида СССР халқ депутатлари иккинчи Съезди қарорларига мувофиқ республика иқтисодиётини соғломлаштириш ва уни ижтимоий соҳага йўналтиришни кучайтиришга доир чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ишлаб чиқариш воситаларига нисбатан истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни илдам суръатларда ривожлантиришга эришилди. Ноозиқ-овқат халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш жадал суръатларда ривожланди.

Хўжалик юритиш ва бошқарув ташкилий тузилмаларининг янги шакллари қарор топмоқда. 1990 йилнинг биринчи кварталида 23 та саноат корхонаси, 148 та қурилиш ташкилоти, 632 та чакана савдо корхонаси, 619 та умумий овқатланиш корхонаси ва бир қанча бошқа корхоналар ижара пудратида ишлади. Кооперативлар ва қўшма корхоналар сони кўпаймоқда.

Бироқ халқ хўжалигини ривожлантиришда барқарорлик ва мутаносибликка умуман эришилгани йўқ. Мудофаа саноати корхоналарини граждан маҳсулотлари ишлаб чиқаришга буриб юбориш суст бормоқда. Маҳсулот етказиб бериш интизоми яхшиланмаяпти, истеъмолчиларга етказиб берилмаган маҳсулот ҳажми ортди, меҳнат унумдорлигига нисбатан унга ҳақ тўлаш хануз илдам бораётир.

Қимматли қоғозлар ва қоғоз пул чиқариш кўпайди, уларнинг муомаладаги умумий салмоғи аввалгидек товар таъминотидан кўп бўлмоқда ва истеъмол бозоридаги аҳволни мутаносиблаштиришга имкон бермаяпти.

1990 йилнинг биринчи кварталида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсатгичлари қуйидаги маълумотлар билан изоҳланади:

	1990 йилнинг биринчи квартали		
	Миллиард сўм (амалдаги нархларда)	Йиллик планга нисбатан фоиз	1989 йилнинг биринчи кварталига нисбатан фоиз
Ҳосил қилинган миллий даромад	4,5	19,3	104,1
Саноат маҳсулоти ҳажми	6,2	26,2	103,4
Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш (мева-сабзавот маҳсулотлари ва тухум маҳсулотларининг бозор фондисиз)	3,2	24,1	106,9
шу жумладан:			
Озиқ-овқат моллари	1,1	24,0	101,1
Спиртли ичимликлар	0,4	24,2	118,0
Ноозиқ-овқат моллари	1,7	24,1	108,2
Давлат марказлаштирилган капитал маблағлари ва корхоналар ҳамда ташкилотларнинг фонд маблағлари ҳисобидан ишга туширилган иншоотлар:			
асосий фондлар	0,6	9	84
Уй-жойлар, минг квадрат метр	549,8	16	100,6
Давлат марказлашган капитал маблағлари ҳамда корхоналар ва ташкилотлар фондларининг маблағлари	1,3	20	116
Умумий фойдаланиш транспортида юк ташиш (жўнатиш), миллион тонна	87,6	21,3	94,0
Умумий фойдаланиш транспортида пассажир обороти, миллиард пассажир-километр	7,8	X	103,5
Халқ хўжалигида олинган фойда	1,0	25,4	101,9
Меҳнат унумдорлиги:			
саноатда	X	X	102,5
қурилишда	X	X	100,2
Халқ хўжалигида ишчилар ва хизматчилар меҳнат ҳақи фонди	2,8	22,4	107,0
Жамоат истеъмоли фондларидан аҳолига тўловлар ва имтиёзлар	2,1	25,0	102,4
Давлат ва кооператив савдосида чакана товар обороти	4,4	25,7	112,7
Аҳолига пулли хизмат	0,5	21,9	109,1

1990 йилнинг биринчи кварталида республика халқ хўжалигида 6,8 миллион киши, шу жумладан, давлат секторида (бунга илгари бу ҳисобга кирмайдиган бошқа идораларнинг ишчи ҳамда хизматчилари киради) 5,1 миллион киши, 0,8 миллион колхозчи, кооперативларда ва якка тартибдаги меҳнат фаолиятида (ўриндошлик бу ҳисобга кирмайди) 0,2 миллион киши, шахсий ёрдамчи хўжаликда 0,7 миллион киши банд бўлди, деҳқон хўжаликларида 0,7 минг, қўшма корхоналарда 2,2 минг киши иш билан банд бўлди.

Давлат корхоналари, муассасалари, ташкилотларида кадрлар қўшимсизлиги кўпайди. Бу ходимларнинг бўшатиб олиниши, давлат секторидан кооперативларга ўтиш, аҳолининг кўчиши билан боғлиқдир.

(Давоми иккинчи бетда).

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг Фармони

«НАВРЎЗ» ХАЛҚ БАЙРАМИНИ ЎТКАЗИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Совет жамиятини сиёсий, маънавий-аҳлоқий жиҳатдан янгилаш жараёнлари халқларнинг миллий ўзлигини англаши ўсишига, хоҳиш-иродаларини кенг изҳор этишларига янги омил бағишлади. Бутун мамлакатда бўлганидек Ўзбекистонда ҳам тарихий ва маданий меросга, халқнинг азалий миллий анъаналари ва урф-одатларини тиклашга қизиқиш кучаймоқда.

Қадимий халқ байрами — «Наврўз»нинг тикланишини республикамизнинг бутун аҳолиси мамнуният билан маъқуллаб, кўтаринки руҳда кутиб олди.

«Наврўз»нинг байрам қилиниши теран халқ анъаналари ерга ва табиатга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, деҳқон меҳнатини ҳурмат қилиш, одамларнинг тинчликка ва яхши қўшничиликка, меҳр-мурувватга ва бошқаларнинг дардига малҳам бўлишга интилишлари тикланишининг қудратли омили бўлди. «Наврўз» халқ байрамининг инсоний ва байналмилал моҳияти ҳам худди ана шундадир.

«Наврўз»нинг байрам қилиниши чинакам умумхалқ сайлига айланди, унда Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатларнинг энг яхши анъаналари, профессионал ва ҳаваскорлик санъатининг намуналари намоён бўлди. Партия органлари, жамоат ташкилотлари ва маҳалла комитетлари уни ўтказишга салмоқли ҳисса қўшдилар.

Ўзбекистон аҳолиси хоҳиш-иродасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, халқнинг чинакам тараққиёти ва гуллаб-яшнашини таъминлаш, унинг маънавий имкониятларини бойитиш зарурлигига асосланиб:

1. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси худудида ҳар йили 21 мартни дам олиш куни ва умумхалқ «Наврўз» байрами куни деб эълон қиламан.

2. Республика ташкилот комитетига, барча маҳалла ва уй комитетларига, халқ депутатлари район, шаҳар ва область Советларига, Қорақалпоғистон АССР Олий Советига байрамни ўтказишда зарур шароит яратганликлари ва республика меҳнаткашлари ҳамда аҳолисига ёрдам кўрсатганликлари учун миннатдорчилик билдираман.

3. Республика Министрлар Совети, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети министрликлар ва идораларнинг, халқ депутатлари область Советларининг тақдимига мувофиқ байрамга катта ҳисса қўшган, халқ анъаналари ва расм-русумларини бойитган клублар, маданият саройлари, театрлар ва концерт ташкилотларининг энг яхши коллективларини пул мукофотлари билан тақдирласинлар.

4. Министрликлар ва идораларнинг, халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетларининг, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, кооперативлар, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари етим болалар, касал ва ногирон болалар, катта ёшдаги ёлғиз кишилар, кўп болали оилалар, аҳолининг камбағал қисмига муттасил ғамхўрлик қилсинлар, уларга ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатсинлар, бу билан одамларда меҳр-мурувват, раҳмдиллик ва сахийлик туйғуларини тарбияласинлар.

5. Мусиқа, театр ва кино санъатини, миллий хореография ва қўшиқчилик ижодиётини ривожлантиришдаги катта хизматлари, «Наврўз» байрамини ва ушбу байрамга бағишланган узлуксиз телекўрсатувни тайёрлашда ҳамда уни ўтказишда фидокорона меҳнат қилганлигини, юксак профессионал маҳорат кўрсатганлигини ҳисобга олиб, қуйидаги ўртоқларга фахрий унвонлар берилсин:

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ АРТИСТИ

Исмонлов Ҳошимжон — Ўзбекистон ССР Давлат телевидение ва радиоэшиттириш комитети Ю. Ражабий номли «Мақом» ансамблининг бадиий раҳбари

Нурмуҳамедов Бадал — Охунбобоев номли республика ёш томошабинлар театрининг актёри

Пўлатов Суръат — Муқимий номли республика ўзбек мусиқали театрининг яккахони

Саъдиев Ҳайрулла Ҳабибович — А. Қаҳҳор номли республика сатира театрининг актёри

Шарипов Ҳусан Ортиқович — Муқимий номли республика ўзбек мусиқали театрининг яккахони

Юнусов Обид — «Ёш гвардия» ўзбек давлат драма театрининг актёри.

ЎЗБЕКИСТОН ССРда ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНЪАТ АРБОБИ

Зиямуҳамедов Садриддин Муҳиддинович — К. Ёрматов номли «Ўзбекфильм» киностудиясининг бош рассоми

Маҳкамов Мелибой — Ўзбекистон ССР Давлат телевидение ва радиоэшиттириш комитети республика телевидениеси адабий-драматик кўрсатувлар бош редакциясининг режиссёри

Мусаев Элбек — Ўзбекистон ССР Давлат телевидение ва радиоэшиттириш комитети раисининг ўринбосари

Салимов Олимжон — Фарғона область М. Горький номли ўзбек мусиқали драма ва комедия театрининг бош режиссёри

Ёқубов Дадахон — Ўзбекистон ССР Давлат телевидение ва радиоэшиттириш комитети республика телевидениеси «Ахборот» бош редакциясининг шарҳловчиси

ЎЗБЕКИСТОН ССРда ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЖУРНАЛИСТ

Абдорахўжаев Асрорхўжа Аҳмедович — Ўзбекистон ССР Давлат телевидение ва радиоэшиттириш комитети республика радиоси «Ёшлик» бош редакциясининг шарҳловчиси

Маматов Жаҳонгир — «Совет Ўзбекистони» газетаси редакциясининг Самарқанд областидаги ўз мухбири

Турғунов Абдуҳаким Идрисович — Ўзбекистон ССР Давлат телевидение ва радиоэшиттириш комитети «Ахборот» бош редакциясининг бўлим мудири

Ёқубов Азиз — Ўзбекистон ССР Давлат телевидение ва радиоэшиттириш комитети республика радиоси болалар ва ўсмирлар учун эшиттиришлар бош редакцияси бош муҳаррирининг ўринбосари

ЎЗБЕКИСТОН ССРда ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АЛОҚАЧИ

Асроров Абдусаттор — Ўзбекистон ССР Давлат телевидение ва радиоэшиттириш комитети республика телемарказининг кўчма телевизион станциялар цехининг катта инженери

Комолкин Анатолий Дмитриевич — Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги Андижон радиоэшиттириш ва телевизион кўрсатувларни узатувчи марказ инженери

Раҳимов Тоҳир Ғафурович — Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошлиғи

Салмонов Пўлат Раҳмонович — Ўзбекистон ССР Давлат телевидение ва радиоэшиттириш комитети республика радиоэшиттириш ва овоз ёзиш уйининг директори

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ

Йўлчиева Муножатхон Абдувалиевна — М. Қориёқубов номли ўзбек давлат филармониясининг яккахон хонандаси

Исломов Дилмурод Муҳутович — М. Қориёқубов номли ўзбек давлат филармонияси давлат «Шодлик» ашула ва рақс ансамбли оркестрининг артисти

Комилов Қаҳрамон Садриддинович — композитор, Ўзбекистон ССР Давлат телевидение ва радиоэшиттириш комитети Дони Зокиров номли халқ чолғу асбоблари оркестрининг концертмейстери

Маҳкамова Тамара Маҳкамовна — Ўзбекистон ССР Давлат телевидение ва радиоэшиттириш комитети республика телевидениеси ижтимоий-сиёсий кўрсатувлар бош редакциясининг режиссёри

Муҳамедов Шавкат — М. Қориёқубов номли ўзбек давлат филармониясининг чолғучи солисти

Ражабов Тоҳир Юнусович — Ўзбекистон ССР Давлат телевидение ва радиоэшиттириш комитети Дони Зокиров номли халқ чолғу асбоблари оркестрининг концертмейстери

Саъдиев Ёдгор Ҳабибович — Ўзбек давлат «Ёш гвардия» драма театрининг актёри

Суюнова Замира Ражабовна — Ўзбекистон ССР Давлат телевидение ва радиоэшиттириш комитети дуторчи қизлар ансамблининг яккахон хонандаси

Ҳайдаров Нуриддинали Исмонович — М. Қориёқубов номли Ўзбекистон давлат филармонияси «Шодлик» давлат ашула ва рақс ансамблининг яккахон хонандаси

Юсупов Муҳаммадсоли Абдуллаевич — Фарғона область М. Горький номли ўзбек мусиқали драма ва комедия театрининг актёри

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ

Умархўжаев Рихсихўжа Сайфиевич — Ўзбекистон ССР Давлат телевидение ва радиоэшиттириш комитети республика телевидение цехининг бош овоз режиссёри

Хурсандов Ҳолиқ — Сурхондарё область Бойсун район маданият уйи «Бойсун» халқ фольклор ансамблининг бадиий раҳбари

ҚУЙИДАГИЛАР ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН

Абдувалиев Анваржон — Ўзбекистон ССР Давлат телевидение ва радиоэшиттириш комитети ахборот бош редакциясининг бўлим мудири

Асадуллаев Марат Маҳмудович — Ўзбекистон ССР Давлат телевидение ва радиоэшиттириш комитети республика телевидениеси ижтимоий-сиёсий кўрсатувлар бош редакцияси бош муҳаррирининг ўринбосари

Балов Борис Михайлович — Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги радиоэшиттириш, радиоалоқа ва телевидение республика ишлаб чиқариш бирлашмаси алоқа воситаларига техникавий хизмат кўрсатиш лабораториясининг етакчи инженери

Гулмуҳамедова Набира Комиловна — Ўзбекистон ССР Давлат телевидение ва радиоэшиттириш комитети программалар бош дирекциясининг катта муҳаррири

Данилов Василий Григорьевич — Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги радиоэшиттириш, радиоалоқа ва телевидение республика ишлаб чиқариш бирлашмаси эшиттиришлар узатувчи 3-радиостанциясининг катта электр механиги

Жўраев Тоҳир — Ўзбекистон ССР Давлат телевидение ва радиоэшиттириш комитети республика телевидениеси ижтимоий-сиёсий кўрсатувлар бош редакциясининг бош режиссёри

Иноземцева Лариса Александровна — Ўзбекистон ССР Давлат телевидение ва радиоэшиттириш комитети республика телевидениеси мусиқавий кўрсатувлар бош редакциясининг бош режиссёри

Қодиров Муродхўжа — Ўзбекистон ССР Давлат телевидение ва радиоэшиттириш комитети республика телемарказининг телевидение цехининг катта инженери

Камолов Рафаиль Каримович — Ўзбекистон ССР Давлат телевидение ва радиоэшиттириш комитети республика телемарказининг телеоператори

Қудратуллаев Нурулла Ҳикматуллаевич — Ўзбекистон ССР Давлат телевидение ва радиоэшиттириш комитети республика радиоэшиттириш ва овоз ёзиш уйи ишлаб чиқариш лабораториясининг катта инженери

Қўшоқов Ғайрат Аҳмедович — Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги радиоэшиттириш, радиоалоқа ва телевидение республика ишлаб чиқариш бирлашмаси ишлаб чиқариш-техника лабораториясининг бошлиғи

Маннопов Абдуваҳоб Зоитович — Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги радиоэшиттириш, радиоалоқа ва телевидение республика ишлаб чиқариш бирлашмаси 1-радиореле цехининг смена инженери

Мирзаев Раҳматулла Ҳидоевич — Ўзбекистон ССР Давлат телевидение ва радиоэшиттириш комитети республика телевидениесининг диктори

Мифтахутдинов Мидхат Муслимович — Ўзбекистон ССР Давлат телевидение ва радиоэшиттириш комитети республика телемарказининг видеомагнит ёзувлари цехининг инженери

Муҳамедова Маъпура Насриддиновна — Ўзбекистон ССР Давлат телевидение ва радиоэшиттириш комитети республика радиоси мусиқали эшиттиришлар бош редакциясининг бўлим мудири

Норматов Абдумутал — Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги радиоэшиттириш, радиоалоқа ва телевидение республика ишлаб чиқариш бирлашмаси «Чорвоқ» ретрансляция станциясининг электр монтёри

Раҳматов Маҳамад — Ўзбекистон ССР Давлат телевидение ва радиоэшиттириш комитети республика телевидениеси «Ахборот» бош редакциясининг бўлим мудири

Ҳамроев Ҳасан Ёрмуҳамедович — Ўзбекистон ССР Давлат телевидение ва радиоэшиттириш комитети республика телевидениеси «Ахборот» бош редакцияси бош муҳаррирининг ўринбосари

Шоазимов Шоазиз Шоазимович — Ўзбекистон ССР Давлат телевидение ва радиоэшиттириш комитети республика радиоси Тошкент ва Тошкент области учун эшиттиришлар бош редакциясининг бош муҳаррири

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

ИҚТИСОДИЁТНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

МОЛИЯ ВА ПУЛ МУОМАЛАСИ

Биринчи кварталда оборотдан бюджетга 967,6 миллион сўм миқдорда солиқ тушди, бу эса ўтган йилдаги даражага нисбатан 90,6 миллион сўм ёки 10,3 фоиз кўпдир. Давлат корхоналари ва ташкилотлари фойдаси (даромадлари)дан бюджетга тушаётган тўловлар кўпаймоқда. Биринчи кварталда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 101,5 миллион сўм кўп пул ўтказилди. Квартал плани 125,6 фоиз бажарилди.

Корхоналар ва ташкилотлар 1990 йилнинг биринчи кварталида 19,3 миллион сўм ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,9 фоиз кўп фойда олдилар. Фойда плани 109,8 фоиз бажарилди. Корхоналар ва ташкилотлар қабул қилаётган планлар тиғиз бўлмаяпти. Чунончи, январь—март ойларига қабул қилинган план ўтган йилнинг ҳақиқий даражасидан 7,2 фоиз пастдир.

Тўлов интизоми паст. Республика халқ хўжалигига берилган кредит маблағлари 1990 йилнинг 1 апрелида 13,2 миллиард сўмни ташкил этди, уларнинг 1,6 миллиард (12 фоиз) сўмининг муддати ўтиб кетган.

Халқ хўжалигида ишчи ва хизматчиларнинг **ўртача ойлик иш ҳақи** 1989 йилнинг биринчи кварталидаги 179 сўмдан 1990 йилнинг биринчи кварталида 190 сўмга, колхозчиларнинг иш ҳақи эса 96 сўмдан 101 сўмгача кўпайди.

Иш ҳақининг ўсиши кўп жиҳатдан давлат бюджети эвазига иш ҳақининг оширилиши юзасидан тадбирлар кўрилгани, йил якунларига кўра ва кўп йиллар хизмат қилгани учун тўловларнинг ортиши, янги ставкалар ва маошларга ўтиш давом этаётгани билан боғлиқдир. 1990 йилнинг биринчи январидан бошлаб маданият ходимларининг, шу йилнинг 1 мартидан бошлаб эса давлат арбитражи органлари ходимларининг иш ҳақи оширилди.

Саноат, қурилиш, лойиҳалаш, конструкторлик ва илмий-тадқиқот ташкилотларида иш ҳақининг ўсиши бирмунча секинлашди. Меҳнат ҳақи фонди ўсиши суръатларининг пасайишига иш ҳақи фонди ўсишини солиқ воситасида тартибга солишнинг жорий этилганлиги, лойиҳа, конструкторлик ва илмий-тадқиқот ташкилотларида иш ҳақининг асосланмаган тарзда ўсишини тийиб туриш тўғрисида қарорлар қабул қилинганлиги таъсир этди.

Аҳоли **ижтимоий истеъмол фондларидан** 2142,7 миллион сўмлик **тўловлар ва имтиёзлар олди.** Бу ўтган йилнинг биринчи кварталига нисбатан 2,4 фоиз кўпдир.

1990 йилнинг 1 январидан бошлаб болалигиданоқ ногирон бўлиб қолган кишиларга ҳар ойда тўланадиган нафақа 70 сўмга қадар оширилди. Шу йилнинг бошидан бошлаб ишчи ва мастер бўлиб ишлашни давом эттираётган пенсионерларга, шунингдек ишлаётган ногиронларга (иш ҳақининг қанчалигидан қатъи назар) пенсияларни тўла ҳажмда тўлаш тартиби белгилаб қўйилди.

Аҳолининг **пул даромадлари** 6,3 миллиард сўмга етди ва ўтган йилнинг биринчи кварталига нисбатан 17,5 фоиз кўпайди. Пул даромадларининг ўсиш суръати аҳолининг моллар сотиб олиш ва хизматга ҳақ тўлаш харажатларининг ўсиб бориш суръатидан 1,4 баравар юқори бўлди.

Аҳолининг СССР жамғарма банки муассасаларидаги маблағлари биринчи квартал мобайнида 398,7 миллион сўм кўпайди ва 7557,1 миллион сўмни ташкил этди. Бундан ташқари СССР Жамғарма банкининг 41,8 миллион сўмлик сертификатлари сотилди.

ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИ ВА ХИЗМАТ СОҲАСИ

3,4 миллиард сўмлик **халқ истеъмоли моллари** (мева-сабзавот маҳсулотлари ва тухум маҳсулотларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда) ишлаб чиқарилди, бу эса ўтган йилнинг биринчи кварталига нисбатан 217,8 миллион сўмлик кўпдир.

Халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш қуйидаги маълумотлар билан изоҳланади:

(чакана нархларда; миллион сўмлик)

	1990 йилнинг биринчи кварталида амалда	Планнинг бажарилиш фоизи	1990 йилнинг биринчи кварталида 1989 йилнинг биринчи кварталига нисбатан фоиз ҳисобида
Халқ истеъмоли моллари (бозор фондисиз)	3201,4	103,3	106,9
шу жумладан: озиқ-овқат маҳсулотлари	1053,0	104,6	101,1
спиртли ичимликлар	425,0	102,0	118,0
Ноозиқ-овқат моллари	1723,4	102,9	108,2
Шу жумладан: енгил саноат моллари	1132,5	102,2	105,1

Биринчи кварталда айрим озиқ-овқат моллари ишлаб чиқариш қуйидагича бўлди:

	1990 йилнинг биринчи кварталида, ишлаб чиқарилгани	Планнинг бажарилиш фоизи	1990 йилнинг биринчи кварталида 1989 йилнинг биринчи кварталига нисбатан фоизда
Гўшт (давлат ресурсларидаги хом ашёдан) минг тонна	48,4	113	102
Колбаса маҳсулотлари минг тонна	16,3	104	99
Сариёғ (давлат ресурсларидаги хом ашёдан), минг тонна	3,1	109	95
Қаймоғи олинмаган сут маҳсулоти, сутга айлантириб ҳисобланганда (давлат ресурсларидаги хом ашёдан), минг тонна	173	107	103
Маргарин маҳсулоти, минг тонна	8,8	100,3	100,3
Ўсимлик ёғи (давлат ресурсларидаги хом ашёдан), минг тонна	150	103	99,96
Кондитер маҳсулотлари, минг тонна	58,7	104	108
Консервалар, миллион шартли банка	106	110	68
Шу жумладан, мева-сабзавот консервалари	102	110	67
Минерал сув, миллион декалитр	2,1	101	104
Алкоголсиз ичимликлар, миллион декалитр	2,7	100,0	103
Спиртли ичимликлар (мутлақ алкоголга айлантириб ҳисоблаганда), миллион декалитр	1,2	103	109

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив комитетининг бир қанча корхоналари хом ашё етишмаётгани сабабли 1989 йилнинг биринчи кварталига нисбатан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни камайтириб юбордилар. Самарқанд ва Тошкентдаги гўшт комбинатларида гўшт ва колбаса маҳсулотлари, Қарши ва Самарқанддаги сут комбинатларида қаймоғи олинмаган сут ва сариёғ ишлаб чиқариш камайди. Ҳар икки корхонадан бирида ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш пасайди.

Айрим ноозиқ-овқат моллари ишлаб чиқариш юзасидан топшириқларнинг бажарилиши қуйидаги маълумотлар билан изоҳланади.

	1990 йилнинг биринчи кварталида ишлаб чиқарилгани	планнинг бажарилиш фоизи	1990 йилнинг биринчи кварталида 1989 йилнинг биринчи кварталига нисбатан фоиз ҳисобида
Ип газлама, миллион квадрат метр	135	97	108
Жун газлама, минг квадрат метр	192	100,0	96
Шойи газлама, миллион квадрат метр	37,3	102	104
Трикотаж буюмлар, миллион дона	27,9	101	102
шу жумладан, болалар боп трикотаж буюмлар (Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги)	18,7	103	99,7
Пайпоқ, миллион жуфт	31,5	102	118
шу жумладан: болалар пайпоғи (Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги)	14,4	105	117
Пойабзал, миллион жуфт	11,2	100,7	103
шу жумладан, болалар пойабзали (Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги)	6,8	99,6	101
Холодильниклар, минг дона	49,2	100,4	107
Мебель, миллион сўмлик	70,8	103	108
Чинни-фаянс идиш, миллион сўмлик	20,2	104	109
Синтетик ювиш воситалари, минг тонна	9,6	106	105
шу жумладан, майда идишларга қадоқлангани	7,9	107	108
Кир совун, минг тонна	27,6	103	109
Атир совун, минг тонна	4,2	100,8	107

Чакана мол оборот ҳажми 492,1 миллион сўмлик ёки амалдаги нархларда 12,7 фоиз кўпайди ва 4,4 миллиард сўмга етди. Чакана мол оборот умумий ҳажми плани 105,7 фоиз бажарилди. Мол оборотининг учдан бирга ўсишига алкоголли ичимликлар сотиш ва молларнинг ўрта гуруҳ чакана нархларини ошириш эвазига эришилди.

Савдога озиқ-овқат маҳсулотларини чиқариш 4 фоиз кўпайди.

Колбаса маҳсулотлари ва ўсимлик ёғини савдога чиқариш 2—3 фоиз, гўшт ва парранда гўшти чиқариш 5 фоиз, балиқ, мева ва сабзавот шарбатлари, сариёғ 8—9 фоиз, қанд 15 фоиз, балиқ консервалари ва чой 17 фоиз, тухум 24 фоиз кўпайди. Кондитер маҳсулотлари сотиш 1 фоиз, маргарин сотиш 3 фоиз, гўшт консервалари сотиш 19 фоиз, сельд балиғи сотиш 38 фоиз, пишлоқ сотиш қарийб 3 баравар камайди. Савдо ташкилотларида амалда колбаса маҳсулотлари, сельд, чой, тухум, кондитер маҳсулотлари запаслари бўлишига қарамасдан республиканинг айрим регионларида бу маҳсулотларни сотишда узилишлар бўлиб турибди.

Аҳолини эртаки сабзавот билан таъминлаш ўткир муаммо бўлиб турибди. Бу биринчи кварталда ана шу маҳсулотларни харид қилишнинг анча камайиши билан боғлиқдир.

Аҳолини озиқ-овқат моллари билан таъминлаш бекарор бўлиб турганлиги сабабли колхоз бозорида нарх тобора кўтарилмоқда. Бундай нарх ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 13 фоиз юқори бўлди, айни вақтда колхоз бозорида товуқ, сабзи, кўк пиёз, ловия-нўхот, янги соғилган сут, асал нархлари 5—9 фоиз, лавлаги, пиёз, қуруқ мева нархлари 12—17 фоиз, ёнғоқ 26 фоиз, цитрус мева ва олма 38—42 фоиз, янги узилган карам нархи 54 фоиз қимматлашди.

Ўтган кварталда 1989 йилнинг биринчи кварталига нисбатан ип газлама ва шойи газлама сотиш 2—3 фоиз, трикотаж буюмлар, кийим ва ички кийим сотиш 10 фоиздан, пайпоқ сотиш 17 фоиз, чарм пойабзал 25 фоиз, атир совун ва кир совун сотиш 51—57 фоиз кўпайди. Жун газламалар сотиш 13 фоиз, радио қабул қилувчи қурилмалар сотиш 7 фоиз камайди. Телевизорлар сотиш қарийб ўтган йил даражасида бўлди. Аммо рангли тасвирли телевизорлар сотиш 18 фоиз ортди.

Тикув буюмлари, ички ва устки трикотаж, аёллар ва болалар колготкилари, пойабзал, эркакларнинг пайпоқлари ҳамон тақчил бўлиб турибди. Газламаларнинг кўпгина турларини эркин савдода топиб бўлмаяпти. Аҳолини электр рўзғор асбоблари, электрон-телерадио аппаратлари, фотокино моллари, соатлар, транспорт воситалари, мебель, идиш ва бошқа моллар билан таъминлаш ҳамон қониқарсиз бўлиб турибди. Ёғоч-тахта ва қурилиш материалларининг кўпгина турлари савдосида узилишлар бўлди.

Совун ва синтетик ювиш воситалари савдосида нормаллашиш тенденцияси кўзга чалинган бўлса ҳам, аммо Бухоро, Сирдарё областлари ва Тошкент шаҳрида бундай молларни сотишда талон системаси ҳамон амал қилмоқда.

1990 йилнинг биринчи кварталида 1989 йилнинг биринчи кварталига нисбатан ноозиқ-овқат молларига нархлар индекси 3 фоиз ошди. Жун ва шойи газламалар, кийим ва ички кийим, устки трикотаж ва резина пойабзал, атир-упа ва тамаки маҳсулотлари, металл идиш ва чинни-фаянс идиш, рўзғорбоп химия моллари нархлари индекси 2 фоиз, мебель, соат ва ип газлама нархлари индекси 3—4 фоиз, шиша идиш ва матбаа маҳсулотлари нархи индекси 6 фоиз, музика буюмлари нархи индекси 14 фоиз, заргарлик буюмлари нархи индекси 41 фоиз кўтарилди. Жун рўмол, мўйна ва мўйна буюмлари, босма пойабзал, кирсовун, ўқувчилар дафтари, газета ва журналлар нархлари ўтган йилдаги даражада қолди.

Молларнинг айрим турларини сотиб олишдаги қийинчиликларга қарамай, саноат корхоналари сифати паст маҳсулот ишлаб чиқаришни давом эттирмоқдалар. Чунончи, биринчи кварталда давлат савдо инспекцияси саноат корхоналарида жами назардан ўтказилган шойи газламаларнинг 15 фоизини, кир совун ва атир совуннинг 25 фоизини, алюмин идишларнинг 33 фоизини, чарм пойабзалнинг 67 фоизини, ип газлама ва тикув маҳсулотларининг 81—86 фоизини бракка чиқарди. Текширувдан ўтказилган трикотаж буюмлари ва тўқимачилик галантереясининг деярли ҳаммаси брак қилинди.

Аҳолига 472,5 миллион сўмлик **пулли хизмат** кўрсатилган, бу 1989 йилдагига нисбатан 39,5 миллион сўмлик кўпдир. Айни вақтда хизмат кўрсатишда эришилган ўсиш суръати (9,1 фоиз) йиллик планда биринчи квартал учун белгиланган суръатдан (10,7 фоиз) пастдир. Шу даврга тўғри келадиган пулли хизматнинг планда кўзда тутилган ҳажми 6,6 миллион сўм кам бўлди. Бухоро, Наманган, Тошкент, Хоразм областлари ва Тошкент шаҳридаги корхоналар ва ташкилотларгина аҳолига пулли хизмат кўрсатиш планини бажардилар.

Маиший хизмат кўрсатиш соҳасидаги ихтисослаштирилган корхоналар аҳолига 130 миллион сўмлик ёки 1989 йилнинг биринчи кварталидагига нисбатан 3,6 фоиз кўп хизмат қилдилар. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш плани ошириб бажарилди. Шу билан бир қаторда аҳолининг уйлар, квартираларни ремонт қилиш ва қуриш, қўлида автотранспорт воситалари, телерадиоаппаратлари бўлган кишиларнинг ана шу восита ва аппаратларни ремонт қилиш ва техникавий хизмат кўрсатишга бўлган талаби қондирилмади.

Аҳолининг маиший хизмат кўп турларига эҳтиёжи таъминланмаётган бир шароитда маиший хизмат корхоналари хизмат ҳажмининг 11 фоиздан кўпроғини корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларга кўрсатилаётган хизмат ташкил этмоқда.

Йўловчиларга **умумфойдаланишдаги транспорт** хизматида ҳамон камчиликлар бор. Январь—март ойларида рейс бекор қилингани, маршрутдан чиқиб кетиш оқибатида самолётларнинг 16,5 фоизи, автобусларнинг 9 фоизи, темир йўл поездларининг (шаҳар атрофига қатнайдиганлари бу ҳисобга кирмайди) 25,7 фоизи келмади ёки кечикиб келди.

Алоқа корхоналари аҳолига 28,1 миллион сўмлик ёки 1989 йилнинг январь—март ойларидагига нисбатан 10,7 фоиз кўп хизмат кўрсатдилар, план 101,8 фоиз бажарилди. Шу билан бирга почта алоқаси почта жўнатмаларининг ва жўнатилган пулларнинг асралишини тўла таъминламаяпти, хат, газета ва телеграммалар ўз вақтида етказиб берилмаётган ҳоллари мавжуд. Умумфойдаланишдаги телефон тармоғидаги асосий телефон аппаратлари сони 1990 йилнинг 1 апрелида 1990 йилнинг 1 январига нисбатан 18,4 минг дона (1,3 фоиз) кўп бўлди.

УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ ВА ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ ҚУРИЛИШ

Маблағ билан таъминлашнинг барча манбалари эвазига **умумий** (фойдали) сахни 1175,6 минг квадрат метр бўлган 15,7 мингта янги шинам квартиралар фойдаланишга топширилди, бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 22 фоиз кўпдир.

Давлат маблағлари эвазига йиллик планнинг бажарилиши 16 фоизга баробар бўлди. Ўтган йилнинг биринчи кварталига нисбатан корхоналар ва ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобига қурган уй-жой улуши икки баравар кўпайди.

Қорақалпоғистон АССР, Андижон ва Жиззах областлари, шунингдек Тошкент шаҳри биринчи кварталда давлатнинг марказлаштирилган маблағлари эвазига уй-жой қуриш топшириғини бажармадилар.

Умуман республика бўйича якка тартибда ва кооператив усулда уй-жой қуриш биринчи квартал плани бажарилмади.

Маблағ билан таъминлашнинг барча манбалари эвазига 14,8 минг ўқувчига мўлжалланган умумтаълим мактаблари, 4,5 минг ўринли мактабгача тарбия муассасалари, 540 ўқувчига мўлжалланган ҳунар-техника билим юртлари қурилди, 510 беморга мўлжалланган касалхоналар, ҳар сменада 1350 бемор қабул қиладиган амбулатория-поликлиника муассасалари, 1600 ўринли клублар ва маданият уйлари ишга туширилди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан касалхоналарни фойдаланишга топшириш 30 фоиз, поликлиникаларни ишга тушириш 11 фоиз, клублар ва маданият уйларини фойдаланишга топшириш 28 фоиз қисқарди. Ижтимоий соҳа объектларини фойдаланишга топшириш йиллик топшириқларининг бажарилиш даражаси 6—9 фоизни ташкил этди.

Қорақалпоғистон АССР, Бухоро области ва Тошкент шаҳрида давлатнинг марказлаштирилган маблағлари эвазига умумтаълим мактабларини ишга тушириш юзасидан биринчи квартал плани бажарилмади. Самарқанд области касалхоналарни фойдаланишга топшириш планини, Сирдарё области клублар ва маданият уйларини фойдаланишга топшириш планини уддалай олмадилар.

АТРОФ-МУҲИТНИНГ АҲВОЛИ

Жумҳуриятда экологик вазият ҳамон кескин бўлиб турибди.

Тошкент, Ангрен, Андижон шаҳарларида ва бошқа шаҳарларда ҳавони булғатаётган моддаларнинг йиғилиши йўл қўйилиши мумкин бўлган нормадан беш марта ва ундан ҳам кўпроқдир. Бу Тошкент иссиқлик электр маркази, Ангрен ГРЭСи, Ангрен резина-техника заводи ва Андижон гидролиз заводининг айби билан содир бўлди.

Бирваракайига кўплаб зарарли моддаларнинг чиқиб кетиши ҳавонинг ҳолатига жиддий таъсир этмоқда. Чунончи, пайванд ишларининг ёмонлиги оқибатида Самарқанд областида катта газ қувуридан 622 минг куб метр табиий газ чиқиб кетиб, авария ҳолатини вужудга келтирди.

Экология хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Андижон гидролиз заводида хамиртуруш цехи ёпиб қўйилди.

Каттақўрғон ёғ-мой комбинатида чиқиндилар тўпланадиган ҳавзадаги тўғоннинг бузилиши оқибатида Қорадарё ва Зарафшон дарёлари ҳаддан зиёд булғанди, бунинг оқибатида бир қанча шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг сув таъминоти кескинлашди. Сув ҳавзаларига етказилган зиён 6 миллион сўмликдан ҳам ортиб кетди.

Ўсимлик ва ҳайвонот оламини муҳофаза этишда 1,4 минг марта қонун-қоида бузилгани очиб ташланди, 4,3 минг сўмлик жарима солинди, етказилган зарар учун 132 минг сўмлик даъво юборилди.

ҲУҚУҚ БУЗИЛИШИ

1990 йилнинг биринчи кварталида 20,7 минг жиноят содир этилди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 9 фоиз кўпдир. Ҳар етти жиноятнинг бири оғир жиноятдир. Жиноятчилик деярли ҳамма ерда кўпайди, айниқса, Наманган областида 37 фоиз, Андижон областида 35 фоиз, Хоразм областида 24 фоиз ортди.

333 марта қароқчиларча ҳужум қилиш ва 1765 марта давлат ёки жамоат мулкини (майда ўғирлик бу ҳисобга кирмайди) ўғирлаш рўйхатга олинди. Бундай жиноятлар 1,5 баравар кўпайди. Шахсий мулкни ўғирлаш қарийб 5 фоиз камайди.

247 марта қасддан қотиллик ва ўлдиришга уриниш, 278 та қасддан оғир тан жароҳати етказиш, 134 та номусга тегиш ва номусга тегишга уриниш содир этилди. Бу эса тегишли тарзда 1989 йилнинг биринчи кварталидагига нисбатан 30, 18 ва 2 фоиз кўпдир.

Балоғатга етмаганлар ва шу ёшдаги кишиларнинг иштироки билан 1,1 минг жиноят (41 фоиз кўп) содир этилди; илгари жиноят содир этган шахслар томонидан 1553 та (50 фоиз кўп) жиноят, маст бўлган шахслар томонидан 1776 та жиноят (ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 41 фоиз кўп) содир этилди. Гуруҳ-гуруҳ бўлиб жиноят қилиш 55 фоиз кўпайиб, 1403 тага етди.

САНОАТ

Давлат буюртмаси ва истеъмолчилар билан бевосита алоқаларга кўра, **маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартнома мажбуриятлари** 99,2 фоиз бажарилди. Бирлашмалар ва корхоналарнинг 10 фоизи мажбуриятларнинг бажарилишини таъминламадилар, улар истеъмолчиларга 41 миллион сўмлик маҳсулотни етказиб бермадилар.

Андижон, Бухоро областлари ва Тошкент шаҳри саноатида, шунингдек, металлургия ва химия-ўрмон комплекслари корхоналарида шартнома мажбуриятларининг бажарилиш даражаси умуман республикадагига нисбатан паст.

1990 йилнинг январь—март ойларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 3,4 фоиз ўсган, унинг ўртача кунлик ишлаб чиқарилиши 3,9 фоиз кўпайган.

«А» гуруҳи маҳсулотлари ўсиши 2,5 фоизни, «Б» гуруҳи маҳсулотлари ўсиши 6,1 фоизни ташкил этган.

Меҳнат унумдорлиги 2,5 фоиз кўпайган. Унинг ўсиши ҳисобига саноат маҳсулоти 78 фоиз кўпайишига эришилган. Меҳнат унумдорлиги ўсишига нисбатан ўртача ойлик иш ҳақи илдам ўсиши сақланиб қолган.

Янги қувватларни ўзлаштиришда яхшиланиш сари ўзгариш содир бўлмади. 1990 йилнинг икки ойи мобайнида кейинги икки йил ичида ишга туширилган ва реконструкция қилинган 54 та лойиҳа қувватининг ишлатилиш ўртача даражаси (ўзлаштириш нормалари ҳисобга олинганда) атиги 63,4 фоизни ташкил этди. Халқ истеъмоли моллари Хоразм саноат-савдо бирлашмасининг янгидан ишга туширилган қувватларида маҳсулот чиқарилмаган. Фарғона темир-бетон буюмлари заводида (0,7 фоиз), Фарғона уйсозлик комбинати санитария-техника кабиналари цехида (5,7 фоиз), Жиззах аккумулятор заводида (7,6 фоиз), Андижондаги аглопорит цехида (9,5 фоиз) ва бошқа корхоналарда қувватларни ўзлаштириш даражаси энг паст. Қувватлардан қониқарсиз фойдаланиш натижасида маҳсулот нобудгарчилиги 26 миллион сўмликдан ҳам кўп бўлди.

Қорақалпоғистон АССР, областлар ва Тошкент шаҳри саноати иши тўғрисидаги маълумотлар қуйида келтирилган (фоиз ҳисобида):

	Маҳсулот етказиб бериш мажбуриятларининг бажарилиши	Истеъмолчиларга етказиб берилмаган маҳсулот, миллион сўмлик	Шартнома мажбуриятларини бажармаган корхоналар ҳиссаси	Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ҳажмининг ўсиш суръатлари
Қорақалпоғистон АССР	99,4	1,0	9	2,3
Андижон области	98,7	4,9	13	14,3
Бухоро области	99,0	3,4	10	3,7
Жиззах области	99,9	0,2	9	9,9
Қашқадарё области	99,98	0,08	1	2,4
Наманган области	99,6	1,3	14	2,7
Самарқанд области	99,3	3,1	10	6,3
Сурхондарё области	99,6	0,7	11	1,5
Сирдарё области	99,8	0,2	3	9,2
Тошкент области	99,3	6,1	12	4,0
Фарғона области	99,7	1,9	6	0,4
Хоразм области	99,98	0,05	2	9,0
Тошкент шаҳри	98,3	17,2	16	—0,8

Халқ хўжалиги комплекслари бўйича саноатнинг иши қуйидаги маълумотларда ифодаланган:

ЁҚИЛҒИ-ЭНЕРГЕТИКА КОМПЛЕКСИ

	1990 йил 1 кварталида ишлаб чиқарилгани	Топшириқ бажарилиш фоизи	1989 йилнинг 1 кварталига нисбатан 1990 йил 1 кварталида фоиз ҳисобида
Электр энергияси, миллиард киловатт-соат	16,4	X	111
Нефть (газ конденсатини қўшиб ҳисоблаганда), минг тонна	725	103	106
Газ, миллиард куб метр	11,3	103	101
Кўмир, миллион тонна	1,5	103	100,5

Комплекс корхоналари истеъмолчиларга 195 минг сўмлик маҳсулотни етказиб бермаганлар, шартномавий мажбурият 99,9 фоиз бажарилди. Комплекс бирлашма ва корхоналарининг 19 фоизи шартномаларни уддаламаган.

МЕТАЛЛУРГИЯ КОМПЛЕКСИ

Пўлат, прокат ишлаб чиқаришда биринчи кварталга режалаштирилган даражага эришилган. Айни бир вақтда Ўзбекистон металлургия заводи прокат ишлаб чиқариш давлат буюртмасини бажармаган (99,5 фоиз).

Маҳсулот етказиб бериш интизоми 1989 йилнинг 1 кварталига нисбатан пасайиб кетган. Истеъмолчиларга етказиб берилмаган маҳсулот ҳажми 6 миллион сўмликни ташкил этган, маҳсулот етказиб бериш шартномавий мажбуриятлари 98,3 фоиз бажарилган. Бирлашма ва корхоналарнинг 36 фоизи шартнома мажбуриятларини уддаламаган.

МАШИНАСОЗЛИК КОМПЛЕКСИ

	1990 йил биринчи кварталида ишлаб чиқарилгани	Планнинг бажарилиш фоизи	1990 йил 1 кварталида 1989 йил 1 кварталига нисбатан фоиз ҳисобида
Ўзгарувчан токда ишлайдиган электр моторлар, минг киловатт	119	87	79
Кучланиш трансформаторлари, миллион киловольт-ампер	2,4	110	105
Компрессорлар, минг дона	2,9	92	99
Асбоблар, автоматлаш воситалари ва уларга эҳтиёт қисмлар, миллион сўмлик	10,1	100,3	108
Химия машина-ускуналари ва уларга эҳтиёт қисмлар, миллион сўмлик	10,1	100,9	91
Йигирув машиналари, дона	384	113	88
Тракторлар, минг дона	6,1	100,1	98
Қишлоқ хўжалик машиналари, чорвачилик ва ем-хашак етиштириш машина ва ускуналари, миллион сўмлик	36,8	101	80
Пахта териш машиналари, минг дона	1,3	105	74
Экскаваторлар, дона	257	72	87

1990 йилнинг январь—март ойларида машинасозлик комплекси саноат маҳсулотлари ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,4 фоиз камайди.

Саноат маҳсулотлари ҳажмида СССРда биринчи бор ўзлаштирилган буюмлар салмоғи икки баравар камайди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг тўртдан бир қисми 10 йилдан буён чиқарилаётган буюмларга тўғри келади.

Пахта териш машиналари, трактор культиваторлари, йигирув машиналари, химия машина-ускуналари 1989 йил 1 кварталидагига нисбатан кам ишлаб чиқарилди, ана шу маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажми камайиши планда кўзда тутилган эди.

Бирлашмалар ва корхоналар шартнома мажбуриятларини 99,5 фоиз бажардилар. Бирлашмалар ва корхоналарнинг 14 фоизи истеъмолчиларга 1,7 миллион сўмлик маҳсулотни кам етказиб бериб шартнома интизомини бузди, ана шу миқдорнинг учдан икки қисми СССР Электр техника асбоблари министрлигига қарашли корхоналарга тўғри келади.

ХИМИЯ-ЎРМОН КОМПЛЕКСИ

	1990 йил биринчи кварталида ишлаб чиқарилгани	Планнинг бажарилиш фоизи	1990 йил 1 кварталида 1989 йил 1 кварталига нисбатан фоиз ҳисобида
Минерал ўғитлар (100 фоиз тўйимли моддага айлантириб ҳисоблаганда), минг тонна	498	104	99,6
Олтингугурт кислотаси, минг тонна	645	101	94
Химиявий толалар ва иплар, минг тонна	13,1	103	10
Синтетик смолалар ва пластмассалар, минг тонна	42,2	99,5	103
Термопласт қувурлар ҳамда қувурларнинг деталлари, минг тонна	5,4	102	96
Шифобахш воситалар, миллион сўмлик	15,0	101	110
Қоғоз, минг тонна	6,5	103	100,0
Картон, минг тонна	13,0	93	93

Комплекс корхоналари маҳсулот етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятларини 99,1 фоиз бажардилар. Корхоналарнинг бешдан бир қисми истеъмолчилар олдидаги мажбуриятларини уддалай олмади, натижада етказиб берилмаган маҳсулот ҳажми 5 миллион сўмликни ташкил этди.

БИНОКОРЛИК МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИ

	1990 йил биринчи кварталида ишлаб чиқарилгани	Планнинг бажарилиш фоизи	1990 йил 1 кварталида 1989 йил 1 кварталига нисбатан фоиз ҳисобида
Цемент, миллион тонна	1,6	104	117
Асбест-цемент листлар (шифер), миллион шартли плита	125	112	112
Асбест-цемент қувурлар ва муфталар, минг километр шартли қувур	0,6	102	102
Томга ёпиладиган юмшоқ материаллар ва изол, миллион квадрат метр	29,9	92	90

Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги маҳсулот етказиб беришга доир шартнома мажбуриятларини 99,2 фоиз бажарди. Бирлашмалар ва корхоналарнинг 15 фоизи бир миллион сўмлик маҳсулотни кам етказиб бериб, шартнома мажбуриятлари бажарилишини таъминламадилар.

Истеъмолчилар 27 миллион дона қурилишбоп ғишт, 13 минг куб метр йиғма темир-бетон, 2,7 миллион квадрат метр томга ёпиладиган юмшоқ материал ва изолни кам олдилар.

АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИ

Агросаноат комплекси корхоналари 1990 йил 1 кварталида 2,3 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди, ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг январь—март ойларига нисбатан 4 фоиз кўпайди.

Республика хўжаликларида баҳорги дала ишлари олиб борилмоқда. Техникани тайёрлаш тугалланмоқда. Бироқ Жиззах области хўжаликларида тракторларнинг 2,5 мингтаси, Қашқадарё областида 2,7 мингтаси, Сирдарё областида 2,1 мингтаси, Қорақалпоғистон АССРда 2,0 мингтаси ишга тахт қилинмаган. Қорақалпоғистон АССР, Жиззах, Сирдарё областлари хўжаликларида ем-хашакни ўриб-йиғиб оладиган техниканинг ремонти суст бормоқда. Қорақалпоғистон АССР, Жиззах, Сирдарё областларида чанглатгич ва пуркагичларнинг кўп қисми тахт эмас.

Барча областлар ва Қорақалпоғистон АССР хўжаликлари баҳорги экиш ишларига киришди. 16 апрелга қадар 743 минг гектар ерга баҳорги экинлар, шу жумладан 33 минг гектар ерга дон ва дуккакли дон экинлар (маккажўхоридан ташқари), 352 минг гектар ерга чигит экилди.

(Давоми учинчи бетда).

ИҚТИСОДИЁТНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Бошн биринчн ва иккинчн бетларда).

1990 йил январь—март ойларида қишлоқ хўжалик корхоналаридан парник-иссиқхоналарда ва очиқ жойларда етиштирилган эртаки сабзавотдан 597 тонна харид қилинди, бу эса ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 425 тонна кам. Колхозларда, совхозларда ва хўжаликлараро корхоналарда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳамда чорва моллари ва паррандалар маҳсулдорлиги қуйидаги маълумотлар билан изоҳланади:

	Январь—март		
	1989 йил	1990 йил	1990 йилда 1989 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
Гўшт (тирик вазнда), минг тонна	97,7	103,6	106
Сут минг тонна	229,4	230,5	100,4
Ҳар сигирдан соғиб олинган сутнинг ўртача миқдори, килограмм	581	594	102
Тухум, миллион дона	380,9	416,4	109
Ҳар бир товуқдан олинган тухумнинг ўртача миқдори, дона	44	45	100,9

Қорақалпоғистон АССР хўжаликларида ва Тошкент областидан ташқари барча областларда ўтган йилга нисбатан гўшт етиштириш кўпайди; сут етиштириш Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Сурхондарё ва Хоразм областларида кўпайди; тухум етиштириш Сирдарё ва Тошкент областларидан ташқари барча областларда кўпайди.

Колхозларда, совхозларда ва хўжаликлараро корхоналарда чорва моллар ва паррандалар сони 1 апрелда қуйидагича бўлди (минг бош):

	1989 йил	1990 йил	1990 йилда 1989 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
Қорамоллар	1656,8	1627,2	98
шу жумладан, сигирлар	426,4	422,6	99,1
Чўчқалар	571,8	558,5	98
Қўй ва эчкилар	6631,8	6381,6	96
Парранда	28001,6	29688,3	106

Қорақалпоғистон АССР ҳамда Андижон, Бухоро, Наманган ва Сурхондарё областларидан ташқари кўпчилик областлар хўжаликларида қорамоллар сони ўтган йилдагига нисбатан камайиб кетишига йўл қўйилган. Қорақалпоғистон АССРда, Самарқанд, Тошкент ва Фарғона областларида сигирлар сони камайган; Қорақалпоғистон АССР, Андижон, Бухоро ва Қашқадарё областларидан ташқари ҳамма областларда чўчқалар сони камайган, Қорақалпоғистон АССР, Сирдарё ва Хоразм областларидан ташқари барча областларда қўй ва эчкилар сони камайиб кетган.

Барча категориядаги хўжаликларда чорвачилик маҳсулотлари харид қилиш қуйидагича бўлди:

	Январь—март		
	1989 йил	1990 йил	1990 йилда 1989 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
Чорва моллар ва парранда (тирик вазнда) минг тонна	105,4	105,6	100,2
Сут, минг тонна	226,1	228,3	101,0
Тухум, миллион дона	361,9	381,3	105,4

Қашқадарё, Самарқанд, Тошкент областларида ва Қорақалпоғистон АССРдан ташқари ҳамма область хўжаликларида ўтган йилга нисбатан чорва моллар ва паррандани давлат йўли билан харид қилиш ҳажми кўпайди, Қорақалпоғистон АССР, Андижон, Бухоро, Наманган, Сурхондарё ва Хоразм областларида сут харид қилиш кўпайди; Бухоро, Сирдарё ва Тошкент областлари хўжаликларида тухум харид қилиш камайиб кетди.

Қишлоқда хўжалик юритишнинг янги шакллари (ижара пудрати, деҳқон хўжалиги) секин жорий этилмоқда. Чунончи, 1990 йил 1 январигача (сўраб билиш натижаларига қараганда) республикада 935 колхоз ва совхозда ижара пудрати қўлланилган. Шундан 84 хўжаликда ижара пудрати барча ишлаб чиқариш тармоқларида тўла қўлланилган.

1990 йил биринчи кварталида қишлоқ хўжалик машиналари ва минерал ўғитларнинг кўп турларини етказиб беришга доир шартнома мажбуриятлари бажарилган. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив комитетига, 2,4 мингта трактор культиватори, 339 та дон комбайни, 554 та пахта териш машинаси, 335 та трактор косилкаси, 272 та сут соғиш қурилмаси етказиб берилган.

Трактор плуглари, сеялкалар, озуқа экинларини йиғиштирадиган комбайнлар, дискали бороналар, маккажўхори комбайнлари ва бошқа қишлоқ хўжалик техникасини етказиб беришга доир шартнома мажбуриятлари бажарилмади.

Етказиб берилган минерал ўғит химиявий озуқабоп қўшимчаларни ҳам ҳисоблаганда 324 минг тоннани (100 фоиз озуқа моддасига айлантириб ҳисоблаганда) ташкил этди ва ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 98,6 минг тонна камайди.

Агросаноат комплексини, шу жумладан, қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлайдиган тармоқларни ривожлантиришга пул билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобидан 655 миллион сўм капитал маблағ сарфланди. Бу эса халқ хўжалигига сарфланган капитал маблағ умумий ҳажмининг 53 фоизини ташкил этади.

Агросаноат комплексига сарфланган маблағлар умумий ҳажмининг 80 фоизи қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш объектлари ва унинг ижтимоий инфраструктураси қурилишига сафарбар этилди, 4 фоизи қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи тармоққа сарфланди.

Қайта ишлаш саноати объектлари қурилиши белгиланган пландан орқада қолмоқда. Биринчи кварталда давлат капитал маблағлари йиллик лимитидан 15 фоиз, шу жумладан, озиқ-овқат саноатида — 16 фоиз, гўшт-сут саноатида — 17 фоиз, балиқ, тегирмон-ёрма ва омухта ем саноатида — 11 фоиз фойдаланилди.

КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ

Давлат марказлаштирилган капитал маблағлари ҳамда корхоналар ва ташкилотларнинг жамғармаларидаги маблағлар ҳисобидан 638 миллион сўмлик асосий фондлар ишга туширилди, бу эса ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 16 фоиз кам.

1989 йилда ишга туширишга таъминланмаган давлат буюртмаси номенклатурасидаги қувватлар ва объектлар фойдаланишга топширилди. Уларнинг орасида Тахиатош ГРЭСидаги тўққизинчи турбина, Тошкент чинни заводидаги чинни буюмлар ишлаб чиқариш қувватлари ва Чорвоқ пойабзал фабрикасидаги пойабзал ишлаб чиқариш қувватлари бор.

1320 миллион сўм ёки йиллик лимитнинг 20 фоизи миқдорида давлат капитал маблағлари ўзлаштирилди. Йиллик капитал маблағлар лимитидан фойдаланиш даражаси ёқилғи-энергетика ва металлургия комплексларида 18 фоизни, машинасозлик комплексида 12, химия-ўрмон комплексида — 14 ва қурилиш комплексида 17 фоизни ташкил этди. Корхоналар ва ташкилотлар капитал қурилишга ўз маблағларидан 633 миллион сўм ёки йиллик лимитнинг 22 фоизини сарфладилар. Давлат капитал маблағлари умумий ҳажмида уларнинг улуши 1989 йилнинг 1 кварталидаги 24 фоиздан 48 фоизга етди.

Ишлаб турган корхоналарни техника билан қайта жиҳозлаш ва реконструкциялашга 222 миллион сўм ёки ўтган йилнинг биринчи кварталидагига нисбатан 11 фоиз кам давлат капитал маблағи сарфланди. Корхоналар ва ташкилотларнинг ўз маблағлари ана шу мақсадларга сарфланган давлат капитал маблағлари умумий ҳажмининг 57 фоизни ташкил этди.

Республика қурилиш-монтаж ташкилотлари бажарган пудрат ишларининг ҳажми ўтган йилинг шу даврига нисбатан камайди.

Ишлаб чиқариш қувватлари барпо этилаётган қурилишларда бажариладиган пудрат ишлари ҳажми юзасидан белгиланган топшириқ давлат буюртмаси асосида 97 фоиз бажарилди, буюртмачилар қабул қилиб олган тайёр қурилиш маҳсулоти йиллик планнинг 11 фоизини ташкил этди.

ТРАНСПОРТ

Умумий фойдаланишдаги транспортнинг айрим турларида **юк жўнатиш** қуйидаги маълумотлар билан изоҳланади:

	1990 йил 1 кварталда, миллион тонна	1990 йил 1 кварталда 1989 йил 1 кварталига нисбатан фоиз ҳисобида
Транспортнинг ҳамма турлари	87,6	94,0
шу жумладан:		
темир йўл транспорти	18,6	101,3
автомобиль транспорти	68,7	92,2
авиация транспорти, минг тонна	10,7	101,9
қувур орқали жўнатиш, минг тонна	308,9	97,9

Юк жўнатиш топшириқларини темир йўл ва автомобиль транспорти 102 фоиз, авиация транспорти 105 фоиз бажарди.

Корхоналарнинг темир йўл шоҳобчаларига юк ортиш ва туширишни учун келган вагонларнинг кечиктирилиши оммавий тус олгани давом этмоқда. Шу йилнинг январь—март ойларида юк ортиш ресурсларида исрофгарчилик республикада 5,7 минг вагонни ташкил этди.

Транспортнинг умумий фойдаланишдаги барча турларида пассажир оборотн 3,5 фоиз кўпайди ва 7,8 миллиард пассажир-километрни ташкил этди, жумладан, автомобиль транспортида 4,0 фоиз кўпайиб, 4,9 миллиард пассажир-километрни ташкил этди. Пассажир оборотн планини темир йўл транспорти 101,3 фоиз, авиация транспорти 105,7 фоиз бажарди.

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ

Шартномаларга мувофиқ 1990 йилнинг биринчи кварталида экспорт учун 334,4 миллион сўмлик маҳсулот етказиб бериш кўзда тутилган эди, амалда етказиб берилган маҳсулот ҳажми ички нархларда 346,5 миллион сўмликни, шу жумладан, эркин алмаштириладиган валютада — 1,5 миллион сўмликни ташкил этди.

Ташқи савдо ташкилотлари экспорт-импортга маҳсулот етказиб бермоқдалар. «Узбекинторг» ташқи савдо бирлашмасининг 1990 йил биринчи кварталидаги экспортга етказиб берган маҳсулотлари чет эл валютаси ҳисобида 4,2 миллион сўмликни, импорт маҳсулотлари чет эл валютаси ҳисобида 2,9 миллион сўмликни ташкил этди, 1989 йилнинг биринчи кварталида экспортга етказиб берилган маҳсулот чет эл валютасида 6,7 миллион сўмликни ва импорт учун етказиб берилган маҳсулот 2,1 миллион сўмликни ташкил этган эди. «Узагроинторг» ташқи иқтисодий бирлашмаси импорт учун етказиб берилган маҳсулот ҳажми ўтган даврда чет эл валютаси билан 9,6 миллион сўмликни ташкил этди. 1990 йил 1 апрелида республикада чет мамлакатларнинг фирмалари ва ташкилотлари иштирок этаётган қўшма корхоналар сони 14 тани ташкил этди.

* * *

Республиканинг биринчи кварталдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари шундан далолат бермоқдаки, ишлаб чиқариш структурасини ижтимоий соҳага йўналтириб, қайта қуриш юзасидан қабул қилинган йўлни изчиллик билан амалга ошириш, ресурсларнинг барча турларидан самарали фойдаланиш, иқтисодий ислоҳотни жадаллаштириш, халқ хўжалигини бошқаришни тубдан қайта ташкил этишни таъминлаш зарур.

Ўзбекистон ССР Давлат статистика комитети

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИГИ КОМИТЕТИНИНГ МАТБУОТ МАРКАЗИ БИЛАН ЎзТАГ ҲУЗУРИДАГИ МАХСУС МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР.

ПОК НОМЛАРИ ТИКЛАНДИ

Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитетининг ходимлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идораларнинг вакиллари билан биргаликда СССР Олий Совети Президиумининг «Ўттизинчи-қирқинчи йиллар ва эллигинчи йилларнинг бошларида содир бўлган қатағонларнинг қурбонларига нисбатан адолатни тиклашга оид қўшимча тадбирлар тўғрисида»ги Фармонини бажариш ишини ниҳоясига етказдилар.

Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитети ва прокуратураси, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи ҳарбий прокуратураси ходимларининг бир гуруҳи ўтган йили зўр бериб ишлади. Республикада яшаган ҳамда Сталин-Берия диктатураси йилларидаги бедодлик ва ўзбошимчалик қурбони бўлган кишиларга нисбатан архивларда сақланаётган минглаб ишлар қайтадан кўриб чиқилди. Бундай «ишлар»нинг аксарияти судлар томонидан эмас, балки суддан ташқари махсус тузилган органлар — «учликлар», «алоҳида кенгашлар», «коллегиялар» томонидан давлат қораловчиларининг, оқловчиларнинг, гувоҳларнинг иштирокисиз кўриб чиқилганлиги ғалати холатдир. Кўпинча улар айбланувчиларга лоақал битта ҳам савол бермай, одамларнинг тақдирини бир неча дақиқа ичида ҳал қилиб юборганлар, ғайриқонуний ҳукмлар чиқарганлар.

Махсус гуруҳ олдида ярим асрдан кўпроқ вақт муқаддам сохталаштирилган «ҳужжатлар» асосида ҳақиқатни изолаб топишдек мураккаб вазифа турар эди. Бу «ишлар» жуда усталик билан қалбакилаштирилган эди. зўр ғайрат билан бир йил давомида қилинган иш натижасида сонсаноқсиз туҳмат-бўҳтонларнинг тагига етилди. Гуруҳ архивда сақланаётган 12672 та жиноий ишни ўрганди. Натижада 18247 кишини бутунлай оқлаш тўғрисида қарор қабул қилинди, чунки ҳукмлар суддан ташқари органлар томонидан чиқарилган бўлиб, содир этилган хаттиҳаракатларнинг оғирлигига мос келмас эди. Айни вақтда Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитетининг ходимлари оқлаш, ғайриқонуний тарзда мусодара қилинган мол-мулкни қайтариб бериш, моддий зиён учун товон тўлаш масалалари юзасидан гражданлардан тушган етти юзтадан ортиқ ариза ва илтимосни кўриб чиқдилар. Бу аризаларнинг жуда кўпи амалдаги қонунларга мувофиқ равишда қондирилди.

Шу билан бирга 154 та ишга оид ҳукм ўз кучида қолдирилди. Давлатга қарши ҳақиқатан ҳам жиноят қилган 323 киши шу ишлар юзасидан ҳукм қилинган эди. Булар Ватан хоинлари, немис-фашист айғоқчилик ва қарши айғоқчилик органларининг жосуслари, қўпорувчилар, власовчилар, полицайлар, «Туркистон легиони»нинг ва СС бўлинмаларининг ҳарбий хизматчиларидан иборат бўлиб, совет гражданларига қарши жазо ҳаракатларида қатнашганлар.

Жисмоний ва маънавий жиҳатдан машаққатли иш қилинди. Давлат хавфсизлиги комитетининг махсус гуруҳи ходимлари ленинчи чекистлар гвардиясининг энг яхши намояндалари қирғин қилинганига оид даҳшатли мисолларга дуч келдилар. Қатағонлар биринчи бўлиб айни шу кишиларга зарба урган эди. Ўттизинчи йилларнинг бошлари ва ўрталарида ГПУ — ОГПУ, кейинчалик НКВД ходимларидан йигирма мингга яқин киши қатағон қилинган эди, бу кишилар «халқ душманлари»ни тугатиш юзасидан берилган демократияга ва конституцияга зид буйруқларга тоқат қилишни хоҳламаган эдилар.

Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитетида оз миқдорда жиноий ишлар қолди. Булар ўз вақтида жиноят қонунларида кўзда тутилган тартибда суд муассасалари томонидан кўриб чиқилган эди. Уларнинг ҳаммаси яқин вақт ичида қайтадан кўриб чиқилади.

● НОМЕРГА ХАБАР

ТЕРМИЗ—МОСКВА ҲАВО КЎПРИГИ

Термиз билан Москва ўртасида мунтазам ҳаво йўли очилди.

Янги авиация маршрути республика жанубий области аҳолиси учун жуда катта воқеадир. Илгари улар Ватанимиз пойтахтига Душанбедан жўнайдиган тезюрар поездида уч кунда етиб олишар ёки Тошкентга келиб самолётда учишар эди. Энди эса Термиздан Москвагача тўрт соатда бориш мумкин.

(ЎзТАГ).

ТЕЗКОРЛИК БИЛАН

Фарғона область Риштон районидаги хўжаликлараро бўрдоқичилик базаси коллективи йилдан йилга план ва топшириқларини ортиғи билан бажариб келмоқда. Улар икки йилдан бери область чорвадорларининг мусобақасида ғолиб чиқмоқдалар. Бунинг боиси шундаки, бу ерда мўл-кўл озуқа тайёрлашга эътибор берилади.

Хўжаликда озуқачилик бригадаси ишлаб турибди. Айни кунларда бригада азаматлари беда ўримини авжига чиқаришди. Ўрилган яшил озуқа кетма-кет фермаларга етказиб берилмоқда. Бу ишларда комбайнчи Солижон Турсунов билан бригада ишчиси Расулжон Жўраев кўпчиликка намуна кўрсатмоқдалар.

Суратларда: 1. Ўрим пайти. 2. Комбайнчи Солижон Турсунов билан илғор ишчи Расулжон Жўраев бедазорда.

У. ҚУШВОҚОВ олган суратлар.

Ўрта Осиёда ягона

Яқинда Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент врачлар малакасини ошириш институти Эндокринология кафедраси ўзининг 25 йиллигини нишонлайди. Кафедра ташкил этилгунга қадар жумҳуриятимиз атиги битта диспансер, 15 кабинет, 90 та даволаш ўрнигагина эга эди. Ҳозирги кунда эса 12 диспансер шифохонаси билан, 300 та махсус кабинетда шу даргоҳда малакасини оширган врачлар беморлар хизматида. Яна шу фактни ҳам таъкидлаш керакки, 1976 врач-тингловчи, жумладан, 738 мутахассис, 663 врач умумий тематик малака ошириб, иттифоқимизнинг турли эндокринология муассасаларида фаолият кўрсатмоқдалар. Шунингдек, кафедра қошидаги олим-мутахассислар жумҳуриятимизнинг барча вилоятлари тиббий муассасаларида бўлиб, туркум лекция ва консультациялар уюштирмоқдалар.

Кафедра Иттифоқ миқёсидаги энг яхши эндокринология марказларидан бири деб тан олингани қувончлидир. Кафедра таркибида болалар эндокринология касалликлари бўйича илмий марказ, Ўрта Осиё болалар педиатрия институтининг кабинети, эндокринология курси муваффақиятли иш олиб бормоқда.

1989 йили тиббиёт фанлари доктори Мирсоат Мираҳмедов ташаббус билан чиқди. Яъни, кафедра Эндокринология илмий текшириш институти билан янада яқинроқ ҳамкорлик қилиш мақсадида битта бинода марказлаштирилди.

— Мақсадимиз фан билан амалиётни комплекслаштириш эди, — дейди М. Мираҳмедов. — Кафедрамиз олимлари, врачлар коллективи буни илмий ишларни жадаллаштириш билан амалиётга қўлланишнинг энг яхши омили деб ҳисобладилар. Ҳозирги кунда биз институтнинг клиник базасида мустақил иш олиб бормоқдамиз. Тингловчилар кафедрамизга Иттифоқ миқёсидан келадилар. Бир йилда бу ерда 120 га яқин тингловчи-шифокор ўз малакасини ошириб қайтади.

Кафедра олимларидан Зоит Акбаровнинг қандли диабет хасталигига чалинган беморлар учун яратган ёнда олиб юриладиган инсулин методи ҳам ўзининг кутилган самарасини бермоқда. Аввало, даволашнинг бу усули беморларга шприц орқали ўтадиган юқумли касалликлардан асраб, ҳамширалар хизматини бирмунча енгиллаштиради. Яъни, белгиланган вақтда, маълум миқдорда беморнинг ўзи ўз билагига укол қилади. Ў куннинг қайси пайтида, қандай миқдорда доридармон қабул қилиши керакligини аниқ билган ҳолда инсулин тугмачасини босади. Ошқозон ости бези бўйича ўқув методикасида Иттифоқда биринчи бўлиб диазатор программаси ҳам шу ерда ишлаб чиқилди.

Эндокринология касалликлари — қандли диабет, ошқозон ости безлари, қалқонсимон безлар, ички секреция безлари, ички ва ташқи бўқоқ хасталикларига чалинган беморлар аввало ўзўзларини даволай олишлари керак. Бу дегани, бемор биринчи навбатда шифокор маслаҳатлари ва муолажаларини ўз вақтида белгиланган тартибда бажариши керак. Шу ўринда ачинарли бир фактни келтирмоқчимиз. Сўнгги ўн йилда эндокринологик касалликлари жумҳуриятимизда камайиш ўрнига кескин ошди. Айниқса, болалар орасида бу касалликларнинг авж олаётганлигига бефарқ қараб бўлмайди.

Бугунги кунга келиб жумҳуриятимизда 70 минг аҳоли эндокринология касалликларига дучор бўлганлиги қайд этилган. Пойтахтимизда эса 20 минг киши шу дардга чалинган. Зотан, бу рақам ҳали шифокорларга мурожаат этганларнинг-гина сонидир. Касаллик эса аста-секинлик билан ўзини билдиради. Яъни, бемор ҳолдан тойгачгина врач ҳузурига келади. Айрим ҳолларда масалан, касалликнинг вақти ўтиб, қорасон — гангрена даражасига бориб етади.

Эндокринологик хасталикларни келтириб чиқараётган сабаблардан бири экология муаммосидир. Атроф-муҳитда йоднинг кўпайиши авлоднинг ирсий мойиллиги, ички секреция безлари, қалқонсимон безларнинг касалланишига олиб келмоқда. Ҳатто бу касалликка чалинган аёллар фарзандсизлик дардига чалиняптилар. Кафедра ана шундай оғир вазиятдан қутулиш чораларини изламоқда. Бу ўринда малакали кадрлар тайёрлаш муаммоси шу куннинг энг муҳим талабидир. Кўплаб умидли ёшлар шу масалалар устидан илмий иш олиб бормоқдалар. Гулнора Маннонова, Улуғбек Қосимов каби бўлажак олимлар шу мавзуда изланяптилар. Болалар орасида тарқалган бундай хасталикларнинг устида эса Лола Шарофиддинова раҳбарлигида бир гуруҳ врач-олимлар ишлаяптилар. Соҳани малакали мутахассислар билан тўлдириш, замонавий асбобускуналар билан таъминлаш ҳам энг муҳим масаладир. Хориждан валюта ҳисобига сотиб олинаётган Американинг «Бекман» фирмаси, Швециянинг ЛКБ фирмалари ишлаб чиқарган тиббий ускуналар беморлар жонига аро киряпти. Бундай замонавий тиббий жиҳозлар ёрдамида бир кунда 500-1000 га яқин беморнинг қонидаги гормонларни аниқлаш, ўта аниқ диагноз қўйиш мумкин.

Эндокринология кафедрасининг келгуси режалари ҳақида илмий-текшириш институтининг директори, Бутуниттифоқ эндокринология жамиятининг вице-президенти Ё. Ҳ. Тўрақулов шундай дейди:

— Институтимиз Иттифоқдаги ана шундай тиббий марказларнинг тўртинчисидир. Ўрта Осиё регионида эса ягона ҳисобланади. Илмий-текшириш институти билан врачлар малакасини ошириш эндокринология кафедрасини бир жойда ҳамкорлик қилишини Иттифоқда биринчи бўлиб бошладик. Бу тадбир шу ўтган қисқа давр мобайнида жуда яхши натижаларни кўрсатди. Лекин ҳали биз эндокринологларнинг олдида жуда катта масъулиятли вазифалар турибди. Бу — жумҳурият эндокринология фани ютуқларини Иттифоқ даражасига кўтариш, бу фан соҳасининг барча жабҳаларида илмий ва амалий ишларни янада мустаҳкамлашдир. Зеро, бу фан жуда сертармоқдир. Масалан, чет элларда қандли диабет, гормонлар бўйича алоҳида-алоҳида мустақил илмий-текшириш институтлари мавжуд. Ҳозирга келиб биз ана шундай институтлар билан ижодий ҳамкорлик қилишни бошлаганмиз. Мутахассисларимизни тажриба алмашиш ва малака оширишлари учун ана шундай муассасаларга жўнатиш имкониятларини қидиряпмиз. Мавжуд муаммоларни зудлик билан ҳал этишга эришсаккина жумҳуриятимизда бу соҳада юзага келган танг аҳволдан қутилиш мумкин.

Юқорида таъкидланганидек, ҳали олдинда ечимини кутаётган муаммолар талайгина. Эндокринология илмий-текшириш институти билан Эндокринология кафедраси олимлар, мутахассислар коллективи бу борадаги ҳамкорликни янада кучайтирадилар ва яқин келгусида бу муаммолар ўз ечимини топади, деб ўйлаймиз.

С. НУЛДОШЕВА,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

ТАРТИБСИЗЛИКЛАР ОРТИДА КИМ БОР?

Ҳамма воқеа Андижондаги «Спартак» стадионидан бошланди. У ерда 2 май куни Тошкентнинг «Пахтакор» футбол командаси маҳаллий «Спартак» командаси билан учрашиши керак эди. Хўжалик ҳисобидаги «Спартак» футбол клуби маъмурияти вилоят спорт комитети ва вилоят касаба союз уюшмаси, вилоят партия ва совет идораларига маълум қилмай, Тошкентнинг «Пахтакор» клуби маъмурияти билан футбол бўйича ўртоқлик ўйинини ўтказиш тўғрисида келишиб олишган. Ўйин оралиғидаги танаффусда стадионда пулбуюм лотереяси ўйналиши керак эди.

Бироқ «Пахтакор» командаси учрашувга келмади — унинг асосий аъзоларидан бўлган беш ўйинчи лат еганлиги маълум бўлди. Шунга қарамай, «Спартак» футбол клуби маъмурияти учрашув барбод бўлишини била туриб, ҳатто ўйин куни ҳам ишкибозларга билет сотаверди. Кўп ишкибозлар билетларни чайқовчиларнинг қўлларидан олишган эди.

Учрашув бўлмаслигини билиб ғазабланган ишкибозлар «Спартак» клуби маъмурияти буни тушунтириб беришларини талаб қилди. Клуб президенти Шокиржон Исоқов «Пахтакор» нима сабабдан ўйинга келмаганлигини тушунтиришга уринди. Бироқ стадиондаги аҳвол фавқулоддда қалтис бўлиб, ишкибозларнинг асаби таранглашганди. Улар безориларнинг гиж-гижлашлари билан стадионда тўс-тўполон қилдилар.

Бошқариб бўлмайдиган ҳолатдаги оломон стадиондаги айрим биноларни, «Спартак» клуби президентининг автомашинасини, шунингдек пулбуюм лотереяси ўйини учун аталган машинани, милициянинг бир мотоцикли ва иккита автомашинасини ёқиб юборди. Бу бебошлик стадиондан шаҳар кўчаларига ўтди. Ҳаддидан ошган, асосан ёшлардан иборат оломон вилоят партия комитети биносини қуршаб олди, сўнгра Навоий кўчаси бўйлаб ўз йўлида учраган барча нарсаларни пайҳон қилиб, темир йўл вокзали томон юрди.

Дастлабки маълумотларга қараганда, ана шу ҳаддидан ошиш натижасида 32 та уй, 20 та газета дўкони, 13 та магазин ёқиб юборилди, айни вақтда 3 та магазин талонторож қилинганлиги маълум бўлди. Маъмурий биноларнинг кўпи шикастланди, хусусий устахоналар, автобус бекатлари бузиб ташланди, йигирмата автомобиль ёқиб юборилди.

Фарғона ва Намангандан ёрдам олган Андижон ички ишлар органларининг кучи билан бебошликни тўхтатиб қолишга муваффақ бўлинди. Вилоят прокуратураси оммавий тартибсизликларни келтириб чиқариш фактлари юзасидан бир қанча жиноий иш қўзғади.

Айбдорлар жазоланишига шубҳа йўқ. Лекин: ҳамма ҳам қилмишига яраша жазоланадими? Тартибсизликларнинг ҳақиқий айбдорлари. уларнинг ҳақиқий ташкилотчилари ва гиж-гижловчилар — ҳокимият сари интилаётган қора кучларнинг вакиллари яна панада қолмасмикан, — деган саволлар ўртага ташланмоқда.

Уларни аниқлаш, ҳақиқий башараларини халққа кўрсатиш — фақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг иши эмас, бу ишни бутун жамият, бутун халқ манфаатларини кўзлаб амалга оширишзарур. Чунки ур-йиқит қилиш ва ўт қўйиб юбориш учун кўчаларга чиққан ёшларни кимдир шу йўлга бошлаган. Андижонда футбол ўйини барбод бўлганлиги сабабли юзага келган бу воқеа оммавий безорилик тусига кирганлиги, аниқ бир мақсадга йўналтирилганлиги мутлақо тасодифий эмас. Бу воқеа республика Олий Совети қабул қилган «Жамоат тартиби ва гражданларнинг хавфсизлигига қарши қаратилган хатти-ҳаракатлар учун масъулиятни кучайтириш тўғрисида»ги Фармони қоидаларининг тўғридан-тўғри бузилишидир.

(ЎзТАГ).

• *Ҳамид Олимжон таваллудининг 80 йиллигига*

ОТАШИН ШОИРНИ ЭСЛАБ

«Ҳурматли редакция!

Халқимизнинг атоқли шоири Ҳамид Олимжон шеъриятини кўпчилик қатори севиб ўқийман. Мактабдаёқ ёд бўлиб кетган, кўнгилга фахр ва ифтихор туйғуларини солувчи «Ўзбекистон» каби шеърларини тўю томошаларда, давра ва суҳбатларда ёд ўқиб юраман. «Муқанна» драмасини ватанпарварлик мавзундаги энг яхши асарлардан, деб биламан.

Мен қишлоқда яшайман. Шунинг учунми, таниқли адибларимизнинг ҳамма асарларини топиб ўқиш имконияти йўқ. Эшитишимча, ҳассос шоир Ҳамид Олимжоннинг насрий асарлари ҳам бор экан. Бор бўлса, у қандай асарлар? Шу ҳақда маълумот беришларингизни сўрайман».

М. ТЎРАЕВА,
Сурхондарё область,
Ангор райони.

* * *

Редакциямизда таваллудининг 80 йиллиги жумҳуриятимиз ва бутун Иттифоқимиз халқлари томонидан кенг нишонланаётган баҳор ва бахт, умид ва ишонч куйчиси Ҳамид Олимжон ижоди ва фаолияти ҳақида мақолалар, шеърларидан намуналар беришни сўраб ёзилган мактублар талайгина.

Дарҳақиқат, Ҳамид Олимжон ўзининг қисқа ижодий фаолияти давомида ҳам шеърият, ҳам драматургия, ҳам насрда асарлар яратган адиблардан. Шоир халқимизга «Ҳақиқат излаб», «Тонг шабадаси» каби ҳикоялар, «Зайнаб», «Фарҳод тоғининг этакларида» сингари ўнлаб очерклар, ўзбек адабий-маданий меросини афкор оммага танитган қирққа яқин илмий публицистик мақолаларнинг ҳам муаллифидир.

Улар орасида шоирнинг 1943 йилда ёзган «Мен ўзбек халқи номидан сўзлайман!» деб аталган, халқ она-Ватан тақдирига оташин муҳаббат руҳи билан йўғрилган нутқи алоҳида ўрин тутади.

Ҳар қандай асар аввало ўз даврининг маҳсули. Мазкур нутқ ҳам бундан мустасно эмас. Бироқ фронтдаги ўзбек ўғлонлари ва барча жангчилар қалбида чуқур таассурот қолдирган, ғалабага ишонч уйғотган ушбу мурожаат халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш, юксак инсоний туйғуларга садоқат руҳида тарбиялаш маъносида ҳозир ҳам катта маънавий-тарбиявий аҳамиятга эга.

Ана шуларни ва муштарийларнинг илтимосларини инобатга олиб, атоқли шоирнинг «Мен ўзбек халқи номидан сўзлайман!», деган нутқини эълон қилишни лозим топдик.

Ҳамид Олимжон ўз дўстлари Ойбек, Ғафур Ғулом ва Зулфия билан. 1943 йил.

АЛАНГА

Мен 1941 йилнинг 21 июнида Ҳамид Олимжонни Ригада кутиб олганим эсимда. «Москва» меҳмонхонасига келиб, овқат устида яхшигина гаплашиб олдик. Эртасига соат ўн иккида яна Ҳамидининг олдига бордим...

Мен «Москва»га бориб, Ҳамид турган хонани тақиллатдим-да, ўзбек типида: «Салом, ўртоқлар!» деб шодон кириб бордим. Биз Алишер Навоий юбилейи олдидан унинг асарлари таржимаси масалаларини муҳокама этмоқчи эдик. Радио карнайи олдида турган Ҳамид менга секин назар ташлади: «Жим, Ҳукумат ахбороти — уруш бошланди!». У худди чақмоқ ургандек, кўзида совуқ аланга ёнар эди...

Лев ПЕНЬКОВСКИЙ,
шоир-таржимон.

• *Ғалабага чорлаган даъват* — Ҳамид ОЛИМЖОН.

МЕН ЎЗБЕК ХАЛҚИ НОМИДАН СЎЗЛАЙМАН!

Менинг халқим ўз киндигининг қони тўкилган тупроқни ўз онасидай азиз кўради. Менинг халқим ўз болалари кўмилган тупроқни ўпади, шу тупроқни ҳаром, нопок қилган одамни ўлдиради. **Қадим ўзбек ботирлари узоқ сафарга кетганда бир ҳовуч Ватан тупроғини доимо ўз ёнларида олиб юрганлар.** Чунки бу тупроқ уларга ўз туғилган ерларини эслатиб турган, халқ олдида ичган қасамини ёдга солган. Ватанга бўлган муҳаббатини бир нафас ҳам унутдирмаган. Бу бир ҳовуч тупроқ унга ўз ота-онасини, қариндошларини, халқини эслатган, узоқ ўлкаларда бўлса ҳам, унн ўз Ватанида ҳис қилдирган ва қаерда бўлмасин ўз халқи шанига иснод келтирмасликка, ўз халқининг номусли ва содиқ ўғли бўлишга чақирган. У Ватанини қанча севса, ота-онасини қанча севса, ота-онадан, севимли ёрдан, қадрдон Ватандан нишон бўлган шу бир ҳовуч тупроқни ҳам шунча севган. Шу бир ҳовуч тупроқнинг кучи шунча зўр бўлганки, у сувсиз саҳролардан, қорли тоғлардан, ваҳший дарёлардан, ёввойи ўрмонлардан кўз очиб юмгунча ўта олган. Шу бир ҳовуч тупроқ уни ўтдан олиб ўтга ташлаган, лекин омон сақлаган. Ўқ унинг кўкрагини тешолмаган, қилич танасини кесолмаган, олов куйдиролмаган, зиндон чиритолмаган.

Шундай. Менинг халқим ор ва номусни билади. Ўз ўғил-қизларини номус ва ҳаё билан тарбия қилади. Фарзанд ўз ота-онаси учун ўлишни бўйнига олади.

Менинг халқим бирлик ва иттифоқни, ҳамжиҳатликни яхши кўради. Тирик экан бир-бирини қўллаб-қўлтиқлайди. У, тирик бўлсак, бир ерда, ўлик бўлсак, бир гўрда бўламиз, дейди. **У ўз халқидан бўлган кишининг кўчада қолганини кўрса уялади, шармисор бўлади, юзи қизаради.** Ота ўз болаларини доим ўз қаноти остига олиб юради. Она ўз фарзандлари учун парвона бўлади, тишига тишлаб, орқасига опичлайди. Улар ўлганда ўз қабрларини бир-бирига яқин қўядилар. У ўз ўлигини бегона қилмайди.

Менинг халқим дўстлик, биродарликнинг қадрини билади. У ўз ҳамсоясини, ўз қўшниларини ҳурмат қилади. Уларнинг кўнглига ғаш соладиган, ранжитадиган ишни қилмайди. Яхши кунда дўст бўлиш — бу катта фазилат эмас, ёмон кунда дўст бўлиб кўр, дейди. Тўйга ҳамма ҳам келади, шодликни ҳамма ҳам баҳам кўра билади. Яхши кунингда сенга душман ҳам дўст бўлиб кўринишга ҳаракат қилади, дилида заҳри бўлса ҳам, тили ширин бўлиб кўринади. Лекин бошингга ёмон кун келганда—дўст-дўстга душман-душманга ажралади. Яхши кунингда тил учида дўст бўлиб юрганлар, дўстлиги қалбаки бўлганлар сендан ажралиб четга чиқадилар. Яхши, виждонли дўстлар эса сен билан бирга қолиб, қайғунгни баҳам кўрадилар, дейди. Шунинг учун у, дўст ёмон кунда билинади, қиёмат куни қўшнидан, дейди.

Бугун бу ерга менинг халқимнинг энг эски дўстлари йиғилганлар. **Биз бир қориндан талашиб чиққан халқларнинг вакилларимиз. Бизнинг бешигимиз бир ерда бўлган. Қозоқ онасининг айтган алласига ўзбек боласи ҳам ухлаган. Ўзбеклар тожиклар билан бир ҳовлида яшаб келганлар. Навоийни туркманлар худди ўзбеклардай яхши кўрадилар, қирғизнинг тўйи ўзбексиз ўтмаган.** Бизнинг халқларимиз бир-биридан қиз олиб, қиз бериб қуда бўлиб келганлар. Бизнинг боболаримизнинг қабрлари бир-бирига жуда яқин қўйилган. Бизнинг чўпонларимиз айни тоғлардан қўй ҳайдаганлар. Бизнинг аждодларимиз бир мадрасада ўқиганлар. Бизнинг боболаримиз бир-бирига китоб ёзганлар. Бизнинг йигитларимиз бир майдонда улоқ чопганлар. Бизнинг уруғларимиз бир-бирига чатишиб кетган. Бизнинг халқларимизни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Ўзбек халқининг буюк эътиқоди шу.

Менинг халқим ўз тақдирини бошқа дўст халқларнинг тақдири билан маҳкам боғлай билади. Чунки у биладики, унинг тақдири тўрт девор орасида қамалиб, умр ўтказадиган эски бева хотиннинг тақдири эмас. Менинг халқим, қандай бўлмасин, бир илож қилиб умр ўтказиш учун дунёга келган халқ эмас. Бутун қайғуси қорин тўйдиришдангина иборат бўлган одам ҳар бир жойда ҳам кун кўра олади. Йўқ, менинг халқим бахт ва саодат билан кўкрак кериб яшашни истайди. У ер юзига ўзининг бутун имкониятларини намоён қилишни, ўз даҳосини кўрсатишни, ўзи яратган бойликлар, шонли ўтмишини, нималарга қобил ва қодир эканини намойиш қилишни, миллий маданият, ўз миллий анъаналарининг бир ғурурий руҳи билан яшашни, ўзининг келажак авлодларига бахт ва саодат беришни истайди. **Шунинг учун у ўзининг тақдирини Совет Шарқида яшайдиган халқлар билан, бутун СССР халқлари билан, буюк рус халқи билан бир умрга маҳкам боғлаган. Бу жуда ажойиб дўстлик. Одамзод тарихи бу хилдаги дўстликни ҳалигача билмаган.**

Бу дўстликда ғараз ва сохталик йўқ, чунки бу дўстликнинг муҳташам саройини бир чироқ ёритади. Чунки бу дўстликнинг тоғ ва тупроқларини бир қуёш иситади, чунки бу дўстликнинг ҳамма дарёларида ҳам оби ҳаёт оқади, чунки бу дўстликнинг ҳамма ўрмонларида ҳаёт дарахти кўкаради.

Агарда бу дўстлик бўлмаганда эди, менинг халқим хўр ва хор, унинг бола-чақалари оч ва ялангоч, авлодлари эса бахти қора, кўр ва басир бўлган бўлар эдилар. Агарда бу дўстлик бўлмаганда эди, унинг Ватани ҳаробага, бўстонлари чўл-саҳрога, обод шаҳарлари бойқушхонага айланган бўлар эди. Менинг халқимни рўёбга чиқарган, шод ва бахтиёр қилган, нон ва ош, кийим ва уст-бош, эътибор ва обрў берган нарса — бу дўстликдир. Шунинг учун ҳам у бу дўстликнинг қадрига етади. Шунинг учун ҳам у бу дўстликни ўзининг кўз қорачиғидай сақлайди. Шунинг учун ҳам у ўзининг бутун ўғил ва қизларини бутун қардош халқларга ҳурмат руҳида, буюк рус халқига муҳаббат руҳида, Ленинга туганмас садоқат руҳида тарбия қилди.

Менинг халқим қўлига қурол ушлашни ҳам яхши билади. Минг йиллар давомида у ўз душманлари билан учрашиб келган халқ. Араб босқинчиларини тумтарақай қилиб қувган Муқанна, Чингизхонни даҳшатга солган Торобийнинг руҳи ҳамон тирик.

Девона Гитлер ана шунга ишонмаган эди. Шунинг учун менинг халқим қўлга қурол олиб, майдонга чиқди. Ўзининг энг асл йигитларини жангга юборди. Кекса ва қарилари қилич ясашга, милтиқ ва тўп ясашга, миномет ва бомба ясашга киришди.

Бугун Ватан урушининг майдонларида ўзбек халқининг ўғиллари қардош СССР халқларининг ўғиллари билан бирга немис фашистларининг туҳумини қуритмоқда. Менинг халқим ҳар соат, ҳар минут ўз ўғиллари билан бирга, миллион-миллион эллар унинг меҳрини ўз ўғилларининг қалбига пайванд қилиб туради.

Ватан учун жангда жон олиб, жон бераётган ўзбек йигити, бизни эшит! Сенинг Ватанинг бугун Амударё билан Сирдарё орасидагина эмас, Коммунистик партия сенга буюк Ватан берди. Амудан то буюк Волга дарёсигача, Узоқ Шарқдан то Болтиқ денгизигача, Шимолий Муз денгизидан то Қора денгизгача, Узоқ Хоразмдан то Ленинградга, Андижондан то Мурманскга қадар сенинг Ватанинг. Сенинг энг буюк шаҳринг—Москва, Сенинг энг муҳташам саройинг—Кремль, Сенинг энг буюк падаринг — Ленин.

Ватан урушининг кўз илғамас фронтларида бугун сенинг қадаминг тегмаган ер йўқ. Кавказ тоғларидан тортиб то Украинагача, Дон дарёсидан Қишлик саройга қадар, Сталинграддан то Великий Лукигача сен жанг майдонида жавлон қилиб, от ўйнатиб юрибсан. Сени эсласак, кўкрагимиз кўтарилади. Чунки бу ерларнинг ҳаммасида бир вақтлар ҳали сен туғилмаган чоғларда одамлар сенинг халқинг, сенинг бахтинг учун қон тўккан, жон берган эдилар. Сенинг халқинг ўша ерлардаги жанглар соясида бахт топган эди. Ўша ерларнинг ҳаммаси сенинг Ватанинг, ўша ерларнинг ҳаммасида сенинг опа-укаларинг, ғариб сингиллар қийналмоқдалар. Ўша ерларнинг ҳаммасига сенинг ризқинг сочилган. Сен жангга кирар экан, бир ҳовуч Ватан тупроғи сенинг қўйнингда, ўша ерларнинг ҳаммасига ҳам сенинг киндигингнинг қони томган. Сенинг киндигингнинг қони томган ер муқаддас. У ерларни душман ҳаром қилибди экан, сен уни ўлдир. Сен уни ўлдир — бунинг учун сен ҳеч ким олдида жавобгар бўлмайсан. Бунинг учун ер юзи фақат сенга, сенинг ота-онангга, сенинг халқингга раҳмат дейди...

Дилингда доим Ленининг номи бўлсин. Большевиклар партиясига суян, партияга суянган одам йиқилмайди. Ёдингда доим ота-онанг, халқинг бўлсин. У заводда, колхозда, илм-маърифат ўйларида сенинг учун ишлаяпти. Халқингни ёдингга олсанг, шер бўласан. Жангчи йўлдошларинг — СССР халқларининг ўғиллари билан ажралмас дўст бўл. Улар сенинг ака-укаларинг. **Ҳаммангиз бир она, бир отанинг болаларисиз. Онангиз эса — СССР, отангиз — Ленин.**

Сенинг халқинг тоғдай бўлиб орқангда турибди. Ўзбек халқи ер юзида бирорта ҳам босқинчи фашистни тирик қолдирмаслик учун охиригача жанг қилишга қасамёд қилди. Ўзбекнинг қасами қаттиқ бўлади. Ўзбек қасам ичса, қайтмайди. Ўзбек қасам ичса, ғазот қилади. Сен ўз халқингга, ўз ота-онангга муносиб бўл! Душманни тору мор қилиб, Ватанни озод қилиб, ғалаба билан омон-эсон, соғ-саломат, қаҳрамон бўлиб элга қайтиб кел. Сенинг халқинг кечани-кеча, кундузни-кундуз демай, кўзига уйқу қўндирмасдан ғалаба кунини, сени кутиб турибди.

Яшасин бизнинг яқин ва муқаррар ғалабамиз!

Яшасин, миллиард йиллаб бор ва ғолиб бўлсин бизнинг Ватанимиз — СССР!

1943 йил.

• СПОРТ •

УЛАРНИ СТАДИОН ОЛҚИШЛАГАН

Ҳайрли анъана

Баҳор байрами арафасида жумҳурият спорт комитети ҳар қачонгидан гавжумлашди. Бу ерга узоқ йиллар мобайнида мамлакат ва халқаро майдонларда Ўзбекистон спорт шарафини муносиб ҳимоя қилган Европа, жаҳон ва олимпиада чемпионлари ташриф буюришди.

Шу куни спорт мухлислари қарийб 40 йил аввал ўтказилган Олимпиада ўйинларида қатнашиб, ғолиблик супасига кўтарилган моҳир гимнастикачи Галина Шамрайдан дасхат олишга муваффақ бўлдилар. Бу спортчи Олимпиада ўйинларида жумҳуриятимиз вакили сифатида қатнашган дастлабки қалдирғочлардан ҳисобланади. Йиғилганлар орасида ўз даврида довруғ таратган Валентина Баллод, Сергей Диомидов, Светлана Бабанина, Наталья Устинова, Михаил Колюшов, Вера Дюнова, Сергей Конов, Эльвира Саади, Рустам Казаков, Мамажон Исмоилов каби спорт ветеранларини кўриш мумкин эди. Улар спортнинг енгил атлетика, гимнастика, сузиш, велопойга, волейбол, кураш ва чавандозлик турлари бўйича оғизга тушган эдилар.

— Қайта қуриш нафаси саломатлик ва меҳнат унумдорлигининг муҳим омилларидан саналган физкультура-спорт соҳасига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Жумҳуриятимизда жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини таъминлаш, маҳоратли спортчилар сафини кенгайтириш муҳим вазифалардан биридир, — дейди Ўзбекистон ССР физкультура ва спорт Давлат комитети раиси О. Назиров. — Бу борада сиз, спорт ветеранларига кўпроқ суянамиз. Афсуски, ўз даврида шуҳрат қозонган спортчилар ҳақида етарли ғамхўрлик қилинмади. Ваҳолонки, сизларнинг тажрибангиз, қўлга киритган ютуқларингиз бунгунги кунда ҳам қанчадан-қанча ёшларда ҳавас уйғотиши мумкин. Шунинг учун ҳам бундан буён сизлар билан ана шундай катта давраларда учрашиб туриш, ишлаб чиқариш коллективларига, мактабларга, колхоз ва совхозларга бориш, давра суҳбатлари каби тадбирлар уюштириш жойларда ишларни жонлантиришга имкон беради, деган умиддаман...

Шундан кейин спорт юлдузларидан бир гуруҳи бошланган хайрли ишни миннатдорчилик билан эътироф этишди. Чунончи, бокс бўйича жаҳон чемпиони Руфат Рисқиев, қиличбозлик бўйича хизмат кўрсатган спорт мастери Собиржон Рўзиев, Сеул олимпиадасининг кумуш медали совриндори, оғир атлетикачи Ноил Муҳаммадёров, таниқли гимнастикачи Венера Зарипова, самбо бўйича жаҳон чемпиони Сайфуддин Ходиев, тажрибали устозлардан Борис Гранаткин ва бошқалар ўзларининг дил сўзларини айтиб, спорт соҳасида бошланган катта ишга камарбаста эканликларини изҳор этдилар. Жумҳуриятимиз спорт юлдузларининг ўзига хос давраси байрамона концерт билан якунланди.

Ҳ. НОСИРОВ.

Уларни ота-бола дейишади. Бунинг боиси бор. Руфат Рисқиев билан Борис Гранаткин узоқ йиллардан бери ҳамфикр ва ҳамкор. Руфатнинг Куба пойтахти Гаванада ўтказилган жаҳон чемпионатида ғолиблик супасига кўтарилишида СССРда хизмат кўрсатган тренер Борис Гранаткининг хизмати катта. Улар ҳозир ҳам жумҳуриятимизда иқтидорли боксчилар тарбиялаш йўлида изланишмоқда.

СССРда хизмат кўрсатган тренер Аслан Илов ҳам тажрибали устозлардан. У самбо бўйича жаҳон чемпионлари Сайфиддин Ходиев (пастда чапдан) билан Бобомурод Файзиевларни жаҳон чемпионлари бўлиб етишишларида мураббийлик қилган.

Суратқаш Э. ИЎЛДОШЕВ.

Москва кўриги чорлайди

● **КЕЧА Ўзбекистон бадиий ҳаваскорлик коллективларининг катта бир гуруҳи Ватанимиз пойтахти Москвага жўнаб кетди.**

● **БУГУН улар Ғалабанинг 45 йиллигига бағишланган Бутуниттифоқ кўриги ва қатор маданий тадбирларда қатнашадилар.**

Қардош республикалар ҳамда Венгрия, Польша, Чехословакия, Италия ва АҚШ мусиқа ижрочилари қатнашадиган ўзига хос санъат байрамини катта кўрикка айланиши кутилмоқда.

Москва сафарига йўл олган «Фергананефтеоргсинтез» бирлашмаси «Нефтяник» маданият саройи пуфлаб чалинадиган чолғу асбоблари жамоасининг бадиий раҳбари Александр Иванович Кистанов бундай деди:

— Ўзбекистон вакиллари 65 кишидан иборат. Буюк Ғалабанинг 45 йиллиги байрамига бағишланган умуммамлакат тадбирларида қатнашиш биз учун катта шараф. Жумҳуриятимиз ҳаваскорлари Москвадаги М. Горький номли маданият ва истироҳат боғида мусиқа байрамининг тантанали очилишида қатнашадилар. Шундан кейин ВДНХ, Горбунов номидаги маданият саройида маҳоратимизни кўрсатамиз. Ғалаба байрами куни пойтахтнинг Белорус вокзалидан Москва марказигача ўтадиган мусиқа марш парадида қатнашамиз.

Мусиқа кўригида жаҳон классик бастакорлари Бетховен, Глинка асарларидан ташқари «Оромжон» каби ўзбек халқ куйларини ҳам ижро этамиз. Катта гуруҳимиз сафида Фарғона санъат билим юрти ўқувчилари, Қува райони маданият уйи ўзбек раққоса қизлари, карнай-сурнайчилар бор.

Бизнинг бу бирлашган созанда ва ижрочиларимиз гуруҳи яқинда Тошкентда бўлиб ўтган жумҳурият конкурсида биринчи ўринни олиб, Москвага, Ғалаба байрамидаги Санъат кўригида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган эди.

А. ПЎЛАТОВ.

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.

• *Реклама ва эълонлар*

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ХОРАЗМ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
кафедралар бўйича бўш лавозимларга
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар: меҳнат ва таълимнинг техникавий воситалари методикаси, педагогика ва психология (педагогика фанлари номзоди ёки доктори);
доцентлар: илмий коммунизм ва сиёсий иқтисод («Илмий коммунизм» ихтисоси бўйича), КПСС тарихи;
катта ўқитувчилар: жисмоний тарбия, меҳнат ва таълимнинг техникавий воситалари методикаси. («меҳнат ихтисоси бўйича);
ўқитувчилар: меҳнат ва таълимнинг техникавий воситалари методикаси («тасвирий санъат» ихтисоси бўйича), факультетлараро рус тили (3)

КОНКУРС МУДДАТИ — 10 МАЙГАЧА.

Ҳужжатлар низомга мувофиқ равишда қуйидаги манзилга юборилсин: 740000, Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Ҳамид Олимжон кўчаси, 14-уй, илмий котибага.

●

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ КЕЧКИ-СИРТҚИ БЎЛИМИНИНГ
ИНЖЕНЕР-ҚУРИЛИШ ФАКУЛЬТЕТИ
1989-1990 ўқув йилида ҲАММА ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА
I ва II курс студентлари учун — 7 МАЙДАН 26 МАЙГАЧА;
III ва IV курс студентлари учун — 28 МАЙДАН 23 ИЮНГАЧА:
ЁЗГИ ЛАБОРАТОРИЯ-ИМТИҲОН СЕССИЯСИНИ ЎТКАЗАДИ

●

ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА АЛОҚА ИНСТИТУТИ
7 МАЙ КУНИ
ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИНИ ЎТКАЗАДИ

Кун тартибида:
Институт лабораториялари бўйлаб экскурсия, физика-математика олимпиадаси.
Эрталаб соат 10.00 да институт фойесида тўпланиладн.
Манзилимиз: Энгельс кўчаси, 108-уй (28, 25, 22, 16, 2 29-трамвайларнинг «Алоқа институти» бекати; 24, 60, 67, 72, 91, 156, 165, 8, 9, 51-автобусларнинг «Ғалаба боғи» бекати.

●

Сурхондарё вилояти, Денов ноҳиясидаги Куйбишев матлубот жамиятининг номи «Қизил қўшин» матлубот жамияти
ДЕБ ЎЗГАРТИРИЛДИ

Шу муносабат билан Куйбишев матлубот жамиятининг муҳри ва штампи бекор қилинади.
Куйбишев матлубот жамияти томонидан берилган ишонч қоғозлари ўз кучини йўқотади.

●

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 4/V да **Дон Кихот**, 5/V да **Бир актли балетлар.**

Ўзбекистон ССР Вазирлар кенгаши аппарати жамоаси масъул ходим Р. Х. Хусановга опаси
Зайнаб ПРАТОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Молия вазирлиги жамоаси назорат-тафтиш бошқармасининг бош тафтишчиси Т. Раҳматиллаевга онаси
Қундуз РАҲМАТИЛЛАЕВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон ССР Социал таъминот вазирлиги жумҳурият аҳамиятидаги шахсий пенсионер, 1928 йилдан КПСС аъзоси
Умар ТОҒАЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети жамоаси Комитет раисининг ўринбосари Қ. С. Сейтназаровга қизи
ОЙГУЛнинг
бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 10059. № 102. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12